

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

Гулистон давлат университети

Ижтимоий-иқтисодий факультет

Тарих кафедраси

19-11 гуруҳ битирувчи талабаси

Худоёров Жалолиддиннинг

**5220200 – тарих таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш
учун ёзилган**

«XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА РОССИЯНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ»

мавзусидаги

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: т.ф.н., доц. О.Назаров

Гулистон – 2015

Р Е Ж А

К и р и ш

Адабиетлар таҳлили

- 1-БОБ. XIX аср охири-XX аср бошларида Россиядаги
ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва ташқи сиёсат.
Рус-япон уруши
- 1.1. XIX аср охири-XX аср бошларида Россиядаги
ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги зиддиятлар
- 1.2. XIX аср охири-XX аср бошларида Россиянинг Болқон, Осиё
ва Узоқ Шарқдаги сиёсати. Рус-япон уруши
- 1.3. XX аср бошларида Россиянинг ижтимоий-иқтисодий
аҳволи ва ташқи сиёсатининг асосий хусусиятлари

2-БОБ. XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг Узоқ Шарқдаги ташқи сиёсати

- 2.1. XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг АҚШ ва
Хитой билан муносабатларининг зиддиятлашуви
- 2.2. XIX аср иккинчи ярмида Россия ва Америка
муносабатларининг ривож
- 2.3. XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг ташқи
сиёсати мавзусини ўрганиш бўйича тавсиялар

Очиқ дарс ишанмаси

Х у л о с а

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Тарих фани инсоният тарихий тараққieti давомида яратилган маънавий маданиятнинг узвий таркибий қисми бўлиб, инсон камолотига ва бутун жамиятнинг ижтимоий-маънавий юксалишига хизмат қилмоғи зарур. Тарих давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, бирлик ва тотувликни таъминлашга, комил инсон шахсини тарбиялашга, мустақилликни янада мустаҳкамлашга, ёшларимизда янгича, эркин, ижодий тафаккур салоҳияти шаклланишига, фан ва маданият тараққietига илмий методологик замин бўлмоғи керак.

XIX аср охири- XX аср бошларида дунёда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу даврнинг асосий белгиси ишлаб чиқаришда монополистик капитализм ҳукмрон бўлиб қолди, турли хил синдикатлар, картеллар юзага келди, ишлаб чиқариш марказлашди, хорижга капитал чиқариш бошланди. Бир қатор давлатлар олдинги 100 йилларда эриша олмаган тараққietга эришдилар. Дунёни бутунлай қайтадан бўлиб олишга замин тайёрланди.

1873 йил «Муқаддас иттифоқ»қа асос солиниб, бу «иттифоқ» Францияни бошқа мамлакатлардан ажратиб, иқтисодий ва дипломатик қамал қилишга уринди. Шу билан бирга Россия Францияни Германияга қарши куч сифатида ушлаб туришга ҳаракат қилди. Россия Австрия-Венгриянинг Германия билан яқинлигидан, Франция – Пруссия қарама-қаршиликларида ҳам усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилди. Россия – Англия рақобатининг бош тугуни Ўрта Осиё эди. Бу даврда мамлакат халқ хўжалиги аста-секин ривожлана бошланди, оғир саноат ҳам тезлик билан илгарилади. Рус-япон, рус-хитой, рус-америка муносабатларида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса XX аср бошларида содир бўлган Рус-япон уруши дунёдаги етакчи давлатларнинг дунёни тақсимлаш олиш учун, ўз бозорларини кенгайтириш учун қилган ҳаракатларининг яққол мисоли бўлди. Бундан ташқари Россиянинг Хитой билан муносабатлари, АҚШ

билан Аляска хусусида олиб борилган музокаралари ҳам бу давр тарихининг ўзига хос воқеа-ҳодисаларида намоён бўлди.

Бу масалаларни еритишда конкрет-тарихий материалга ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган умумий хулосаларга бой энг яни тарих курсини ўқитиш ва ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам Россиянинг XIX аср охири- XX аср бошларидаги ташқи сиёсатини, Рус-япон уруши сабаблари ва оқибатларини ўрганиш ниҳоятда долзарб мавзу ҳисобланади.

Мазкур битирув-малакавий ишимизнинг мақсади XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг ташқи сиёсати йўналишларини таҳлил қилишдан иборат. Бу масалага “Жаҳон тарихи” дарсликларида кам эътибор берилган. Чунки XX асрда, совет замонидаги Жаҳон тарихига оид дарсликларда (Энг янги тарих деб аталган) Россия тарихи ёритилмаган, чунки мактаб ва олийгоҳларда СССР тарихи Жаҳон тарихидан алоҳида фан сифатида ўрганилган. Кейинчалик, мустақилликка эришгандан кейин янги авлод дарсликлари яратила бошланди. Бироқ, улар учун ҳам асос қилиб олдинги дарсликлардаги дастурлар олиниб, Россия тарихига деярли эътибор берилмаган. Бизнингча, Жаҳон тарихидан дастурларни қайта кўриб чиқиб, ана шу камчиликни тузатиш лозим. Шунинг учун, битирув-малакавий ишимизнинг мавзуси долзарб ҳисобланади.

Россиянинг XIX аср иккинчи ярмидаги ташқи сиёсати асосан Ўрта Осиёни бўйсундириш ва Узоқ Шарқдаги муаммоларни ҳал қилишга бағишланган эди.

Савол туғилади: Самодержавиенинг ўша даврдаги импер сиёсатини асосан нима белгилаб берган — ҳокимиятнинг хусусиятларими ёки ўша иқтисодий, сиёсий ва маданий маконнинг геосиёсий эҳтиёжларими? Гап шундаки, Россияда, 1860-1870 йиллардаги жиддий либерал ислохотларга қарамай, империянинг ташқи сиёсатини Ташқи ишлар вазирлиги эмас балки императорнинг шахсан ўзи белгилаб борган эди. Россия Ташқи ишлар

вазирлиги моҳиятан ёпиқ зодагонлар клуби бўлган. Шунинг учун Россия ташқи сиёсатининг ўша даврдаги характери ва йўналишини давлат ҳокимияти аппарати ва аниқ мансабдорларнинг ақл хусусиятларини, ҳулқларини, иш услубларини ҳисобга олмай, тушуниб бўлмас эди. Бу хусусиятлар Россиянинг Узоқ Шарқда олиб борган сиёсатига иккилама характер касб этган. Нима учун Россия Узоқ Шарқ билан шуғуллана бошлади? -деган савол туғилади. Айрим тарихчиларнинг таъкидлашича, Европадаги муваффақиятсизликлар Россия диққат-эътиборини Узоқ Шарққа жалб этган эди. Бироқ, Пётр I ва Екатерина II ҳукмронликлари замонида назар ташласак, улар ҳам бу ерларни ўзлаштиришга ҳаракат қилганликларини кўриш мумкин. Шунингдек, шу эсга олиш жоизки, Россия Ташқи ишлар вазирлиги таркибига иккита департамент кирган – Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёдаги ишларни бошқарувчи Осиё департаменти ҳамда қолган дунё мамлакатлари билан алоқа ўрнатувчи Ички алоқалар департаменти. Бу иккита департамент ўз манфаатлари доирасида ташқи сиёсат курсини шакллантиришга интилишарди.

Узоқ Шарқдаги сиёсат тарафдорлари граф Игнатъев Н.П., барон Розен, Витте каби мансабдорлар бўлишган. Айниқса Игнатъев фаолияти Россиянинг жаҳонда европалик давлат сифатидаги обрўсини қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. С.Ю. Витте ва барон Розенларнинг фаолияти эса кўпроқ сиёсий “модерн”га оғиб, улар ўз позицияларини чекка ўлкаларни ўзлаштиришдан олинаниган фойда билан ҳамда Осиёда европача цивилизацияни тарқатиш лозимлиги билан асослаб берардилар. Шунингдек, илмий доираларда бошқа фикр ҳам мавжуд. У Европа ва Осиёдаги кўпчилик давлатлар учун капиталистик муносабатларнинг шиддатли ривожланиб бориши билан боғлиқ., чунки улар янги хом ашё манбалари ва сотиш бозорларини излаб топишга интилардилар. Шу тариқа, улар Шарққа ва Осиёга интиладилар. Шунинг учун Узоқ Шарқда ва Ўрта Осиёда Россия, АҚШ ва Буюк Британиянинг манфаатлари тўқнашади.

Демак, шуни таъкидлаш мумкинки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияни Узоқ Шарқда фаол ташқи сиёсат олиб боришининг сабаби нафақат сиёсий ва иқтисодий манфаатлардан иборат эди, балки ўша даврдаги жаҳон сиёсий ва иқтисодий тизимининг ривожига ҳам бунга ундарди. Хуллас, мазкур битирув-малакавий ишда XIX аср иккинчи ярмидаги Россиянинг ташқи сиёсатига тўхталиб, унинг АҚШ, Япония ва Хитой билан муносабатларига тўхталишни қарор қилдик. Шунингдек, Болқон ва Ўрта Осиё йўналишидаги ташқи сиёсати, рус-турк уруши сабабларига ҳам қисқача тўхталиб ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур битирув-малакавий ишимизнинг мақсади - XIX аср охири – XX аср бошларида Россиянинг ташқи сиёсатини кўриб чиқиш, Рус-япон уруши бошланиш сабаблари ва оқибатларини очиб беришдан иборатдир. Ушбу масалаларга XIX аср тарихи ўрганилаётган Янги тарих курсида жуда кам вақт ажратилган бўлиб, асосан XX аср бошларидаги рус-япон уруши билан боғлиқ воқеалар (1904-1905 йй) кўриб чиқилади. Шундан келиб чиқиб ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик:

- XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига баҳо бериш;
- Болқон, Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқдаги ташқи сиёсат ривожини кўриб чиқиш;
- Рус-япон уруши бошланиш сабаблари ва оқибатларини очиб бериш;
- Россиянинг Хитой ва АҚШ билан муносабатларидаги асосий воқеаларни адабиётлар ва ҳужжатлар асосида баён қилиш;
- Мавзуни ўрганиш юзасидан методик тавсиялар келтириш.

Ишнинг илмий янгилиги ва эришилган натижалар. Мазкур ишимизда биз Россиянинг Япония, АҚШ ва Хитой билан муносабатларига тўхталиб, бу муносабатларни кўриб чиқиш, таҳлил этиш билан бирга XIX аср охиридаги Россиянинг бу давлатларга нисбатан ўтказган сиёсати

натижаларини еритиб беришга ҳаракат қилдик. Хусусан, Рус-япон уруши сабаблари ва оқибатларини очиб беришга интилдик. Мавзуни ўрганиш бўйича муаммоли маъруза, масофавий таълим услубида дарс ўтилиши ҳақида тушунчалар беришга ҳаракат қилдик.

Шундай қилиб, ушбу битирув-малакавий ишни ёзишдан мақсад Россиянинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги иқтисодий тараққиёти ва ташқи сиёсатини ҳолисона ёритиб беришдан, бу мавзуни замонавий педагогик технология асосида ўтиш услубларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ишнинг объекти бўлиб Россиянинг ташқи сиёсати йўналишлари танланди.

Ишнинг илмий фарази шундан иборатки, Россия ҳам дунёда ўзининг етакчи ва қудратли давлатлардан бири бўлиб тан олинishiга уриниб. Ташқи сиёсатда АҚШ, Япония ва Хитой билан муносабатларни қуриб, Европа мамлакатлари билан иттифоқлар тузиб, янги ҳудудларни қўшиб олиш, ўз ҳудудларини кенгайтиришга уриниб келган.

Ишнинг методологик асоси бўлиб ўрганилган давр чегарасида чор Россияси ҳукумати томонидан ташқи сиёсат юзасидан ҳужжатлари ва ёзишмалари хизмат қилди.

Ишда таҳлил, умумлаштириш, қиёслаш, тарихийлик. **Объективлик методларидан** фойдаланилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Ишда келтирилган маълумотлар асосан ИНТЕРНЕТ сайтларидан олинган бўлиб, илгари чоп этилмаган ва махфий ҳисобланган архив ҳужжатлари, дипломатик ёзишмалар асосида еритилган. Шунинг учун бу ишни тарих факультети талабалари учун, ҳатто ўқитувчилар учун ҳам «Янги тарих», «Энг янги тарих», «Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи» каби фанлардан маъруза таерлашда, реферат, курс иши ёзишда, семинарларга тайергарлик кўришда фойдаланиш учун тавсия этиш мумкин.

БМИ тузилиши. Мазкур битирув малакавий иш Кириш, 2 боб, Хулоса ва Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, амалий аҳамияти очиб берилади ва адабиётлар таҳлили келтирилади.

1 боб “XIX аср охири-XX аср бошларида Россиядаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва ташқи сиёсат. Рус-япон уруши” деб номланган бўлиб, унда бу даврда Россиянинг Болқон, Ўрта Осиё, Узоқ Шарқдаги сиёсатига баҳо берилади ва Рус-япон урушининг келиб чиқиши сабаблари ва оқибатлари очиб берилади.

2 боб “XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг Узоқ Шарқдаги ташқи сиёсати” деб аталиб, бунда Россиянинг АҚШ ва Хитой билан муносабатлари, Алясканинг сотилиши тафсилотлари, мавзуни ўрганиш юзасидан методик тавсиялар берилади.

Хулоса қисмида қисқача умумлаштирилган хулоса чиқарилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан адабиётлар, монографиялар, мақолалар ва ИНТЕРНЕТ сайтлари келтирилади.

Адабиётлар таҳлили

XIX асрдаги Россиянинг ташқи сиёсатига бағишланган адабиётлар 1950-80 йиллар, ҳамда 1990-йиллар адабиётларига ажратилиши мумкин. 1950-80 йилларда Россиянинг ташқи сиёсатига бағишланган бир қатор монографиялар яратилган эди. Булар орасида В.Л.Александров, Т.М.Батуева, Н.С.Киняпина, Г.Н.Романова¹ ва бошқаларнинг монографияларини келтириш мумкин. 1990 йилларда Рус –америка

¹ Александров В.Л. Россия на дальневосточных рубежах- Хабаровск, 1984; Батуева Т.М. Экспансия США на севере Тихого океана в середине XIX в и покупка Аляски в 1867 г – Томск, 1976; Киняпина Н.С. Внешняя политика России во второй половине XIX в – М.,1974; Романова Г.Н. Экономические отношения России и Китая на Дальнем Востоке.- М.,1987.

муносабатлари Н.Н.Болхоетдинов асарида еритилди¹. Россиянинг Хитой билан муносабатларига доир маълумотлар эса алоҳида тўплам шаклида чоп этилди².

XIX аср иккинчи ярмидаги Россия ташқи сиёсати 1990-йилларда эълон қилинган бир қатор мақолаларда очиқ берилди³.

Рус-япон урушига оид маълумотлар Витте С.Ю., Романов Б.А. асарларида баён қилинган⁴. Мавзуга доир маълумотлар дарсликлар, ўқув қўлланмаларда ҳам учрайди. Жумладан, Москвада чоп этилган «История русско-японской войны 1904-1905 гг.», «Новая история», «История России», «История Отечества» ва бугунги кунда олий ўқув юртларда фойдаланилаётган дарсликларда Россиянинг XIX асрдаги ташқи сиёсати еритиб берилган.⁵

Бугунги кунда таълим тизимини компьютерлаштириш муносабати билан илмий тадқиқот ишлари бориш учун катта имкониятлар яратилган. Мавзуга доир бўлган, илгари махфий ҳисобланган ҳужжатлар, дипломатик езишмалар ИНТЕРНЕТнинг бир қатор сайтларида, жумладан www.mid.ru, www.vostok.ru, www.alaska.ru ва бошқа сайтларда жойлаштирилган бўлиб, улар билан танишиш, уларни умумлаштириб, ишга жалб қилиш жуда қизиқарли маълумотларга эга бўлишга имкон берди.

Шу маълумотлар асосида мавзу юзасидан ташкил этиладиган дарсларда муаммоли масалалар қўйиш, масофавий таълим услубларини қўллаш, дарс режаларини ишлаб чиқиш осонлашди.

¹ Болхоетдинов Н.Н. Русско-американские отношения и продажа Аляски – М.,1990

² История экономического развития Китая – М.,1958

³ Бобин О. Осколок российской империи// Родина. 1995. №2; Барнетт Р. Русская Америка// Америка. 1991, декабрь; Тарановский Т. «Европейцы» и «восточники»// Родина. 1995. №8 ва б.

⁴ Витте С.Ю. Воспоминания.- М., 1960; Романов Б.А. Очерки дипломатической истории русско-японской войны – М., 1955

⁵ История русско-японской войны 1904-1905 гг.- М., 1977; Новая история – М., 1996; История России – М.:Наука, 1994; История Отечества – М.,2000

I-БОВ. XIX АСР ОХИРИ-XX АСР БОШЛАРИДА РОССИЯДАГИ ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАШҚИ СИЕСАТ. РУС-ЯПОН УРУШИ

1.1. XIX аср охири- XX аср бошларида Россиядаги ижтимоий-иқтисодий тараққиетидаги зиддиятлар

XIX аср охирида юз берган жаҳон аграр инқирози Россия қишлоқ хўжалигига қаттиқ таъсир этган бўлса-да, мамлакат халқ хўжалиги 80-90 йилларда яна аста-секин ривожлана бошлади. Оғир саноат тезлик билан илгарилади. Майда саноат ишлаб чиқариш ва мануфактура ўса борди. Темир йўлларнинг узунлиги ўсиб борди. Саноат ўзгариши тугалланган эди, бинобарин, бу вақтда механизациялашган фабрика ишлаб чиқаришининг халқ хўжалигидаги салмоғи 60-70 йиллардагига қараганда анча баланд эди. Чет эл капитали мамлакатга жуда тез ва кўплаб кира бошлади. Ишчилар сони ўсди. Саноатнинг ривожланиши бўйича 80-90 йилларни икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич – 1881-1892 йилларни, иккинчи босқич 1893-1900 йилларни ўз ичига олади.

Биринчи босқичда қишлоқ хўжалиги аграр инқирозидан катта зарар кўрган эди. 1891-1892 йилларда очарчилик юз берди. Темир йўл қурилиши қисқариб кетди. Бироқ, оғир саноат ўсди, Донецк ҳавзаси ва Кривой Рог ўртасида бунёд қилинган темир йўл металлургиясининг ривожланишига ёрдам берди.

Иккинчи босқичда Россия тарихида катта саноат юксалиши юз берди. Саноатнинг барча тармоқлари, айниқса, оғир саноат ўсди. 90-йилларда мамлакат хўжалигига кўплаб чет эл капитали жалб қилинганлиги ҳам иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатди. Бу даврда банк капиталининг роли ўсиб кетди. 90-йиллардаги саноат юксалиши даври

умуман олганда Россия ижтимоий-иқтисодий тарихида янги даврни бошлаб берди.

80-90 йилларда шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳам тарақий этди. Ғалла нархининг пасайиши тўхтади, қишлоқ хўжалиги тараққиётининг иккита хусусияти бор эди.

Биринчидан, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши «пруссча йўл»дан бораётган эди. Иккинчидан, бу йилларда дуне бозорида ғалла нархининг пасайиб бориши Россия қишлоқ хўжалигига қаттиқ таъсир кўрсатган эди. Россия қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четга чиқариш ўса борди. Бироқ, ғалла асосий четга чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўлиб бораверди. Агар 1876-1880 йилларда четга 291 млн рубллик 277 млн пуд ғалла, 56 млн рубллик 10 млн пуд зиғир чиқарилган бўлса, 1896-1900 йилларда 323 млн рубллик 444 млн пуд ғалла, 51 млн рубллик 13 млн пуд зиғир чиқарилди. Ҳукумат четга кўпроқ ғалла чиқаришни қўллаб-қувватлади, чунки буни чет эллар билан савдо-сотиқ ишида баланс сақлашнинг асосий воситаларидан деб биларди. 80-90 йилларда Қозоғистон чўлларига асосан рус ва украин деҳқонлари кўчиб кела бошлаганлиги туфайли деҳқончилик ривожланди. Ерли аҳолининг ҳам экин майдонлари кенгайди. Чор Россияси истилоси Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигига албатта ўз таъсирини ўтказмасдан қўймади.¹

80-90 йилларда бир қанча тармоқлардаги майда корхоналар мануфактурага айлана борди. Майда саноат XIX аср охирига бориб берадиган маҳсулотнинг қиймати жиҳатидан йирик саноатдан кейинги ўринда турса ҳам, ўзида банд бўлган ишчилар сони жиҳатидан ундан устун турарди. 70-йилларнинг охирида саноат жиддий юксалиш даражасига етмасдан, 1882-1886 йиллардаги узоқ муддатга чузилган депрессияга (турғунликка) учради.

¹ История России – М., 1994. С.344

1893 йилда қайтадан бошланган саноат юксалиши ўн йилликнинг охиригача давом этди. Бу юксалиш мамлакат ичида капитал жамғаришнинг ўсиши, айниқса ҳукуматнинг темир йўл қурилишига ғоят катта маблағ сарфлаши ҳамда катта ҳажмда чет эл капиталининг кириши натижасида юз берди.

Россия қисқа вақт ичида (1898-1901) нефт қазиб чиқаришда АҚШдан узиб кетиб, дунёда биринчи ўринни эгаллади. Чет элга асосан керосин чиқариларди. Юксалиш йилларида чўян эритиш салкам уч баробар ўсди. Бунга асосан Россиянинг жанубида металл эритишни 5 баробардан зиёдрок кўпайтирилиши сабаб бўлди. Жануб 1895 йилдаёқ Уралдан узиб кетди. 1890 йилда эса жанубда эритилган чўян Уралда эритилган чўяндан икки баробар ортиқ эди. Саноат юксалиш йилларида Россиянинг бутун дунё қора металлургиясидаги салмоғи анча ўсди, чунончи 1900 йилда чўян эритишда Россиянинг ҳиссаси 7,1 % ни ташкил этди. Металл эритишда Россия тўртинчи ўринни эгаллади, Франциядан узиб, Германиядан кейинги ўринга чиқди. Металл истеъмол қилишда темир йўлларга талабнинг ўсиши жуда катта рол ўйнади. Аммо Россияда жон бошига металл истеъмол қилиш Германияга қараганда беш баробар кам эди.¹

Саноат юксалиши йилларида машинасозлик жуда тараққий этди. 80-йилларда машинасозлик кўмир қазиб чиқариш ва металлургияга нисбатан анча тез ўсиб борган эди. 90-йиллардаги юксалиш даврида ҳам унинг ривожланиш суръати паст бўлмади. Паровоз ва вагонлар ишлаб чиқарадиган эски заводлар ўз ишларини жадаллаштириб юборди.

90-йилларда қишлоқ хўжалик машинасозлиги катта қадам ташлади. Аммо шу билан бирга чет мамлакатлардан қишлоқ хўжалик машиналари келтириш ҳам анча кўпайди.

Саноат учун асобоб-ускуналар ишлаб чиқариш ишлари олға қараб силжиди, аммо мамлакат ичкарасида ишлаб чиқарилган асобоб-ускуналар рус

¹ История России – М., 1994. С.346-347

саноати эҳтиёжининг тахминан ярмини таъмин этарди, холос. Қолган асбоб-ускуналар чет элдан келтириларди. Петербург машинасозлигининг етакчи маркази бўлиб қолаверди. Россия машинасозлигида Украинанинг ўрни, яъни салмоғи жуда ўсди.

90-йилларда истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш оғир саноатдан кўра секинроқ суръат билан ўсди. Аммо саноатнинг бу тармоқлар ҳам умуман анча тараққий топди. 1892 йил бутун дунедаги ип-газлама дуғаларининг 44 % и Россияда (Польшани ҳам қўшганда) эди. 90-йилларнинг охирларига келганда Россия дуғаларининг сони жиҳатидан Германия ва Францияга тенглашди, ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан эса улардан ўтиб ҳам кетди, чунки Германия ва Францияда бир сменада ишланар, Россиядаги жуда кўпчилик фабрикаларда эса кундузи ҳам, кечаси ҳам иш тинмас эди.

Бу давр Россия тарихида унинг халқ хўжалигига чет эл капитали энг кўп сарф қилинган давр бўлди. Бунинг сабаби шуки, бу вақтда Ғарбий Европада ортиқча капитал кўп бўлиб, Россиядан кўпроқ фойда оларди. Бу давр ичида Россия халқ хўжалигига солинган чет эл капитали деярли тўрт баробар ўсди ва XX аср бошига келиб, мавжуд маълумотларга қараганда, 911 млн рублга етди. Чет эл капитали айниқса, Франция билан Белгиядан жуда кўп миқдорда кириб келди. шунингдек, инглиз ва герман капиталистлари ҳам анчагина капитал сарфладилар. Чет эл капитали асосан оғир саноатга, айниқса Жанубнинг кўмир, металлургия, нефт саноатига ва машинасозлигига сарф этилди, Россияда минерал ёқилғи билан ишлайдиган ва мамлакатнинг металлга бўлган эҳтиёжини тўла қондира оладиган металлургия саноати вужудга келди. Саноат ва транспорт учун зарур бўлган минерал ёқилғи базаси ҳам шу даврда яратилди, ҳар бир мамлакат саноатида бўлгани сингари Россия саноатида ҳам ишлаб чиқаришнинг юксалиши юз берди. Бу жараён, айниқса, ип-газлама саноати ва жанубдаги қора металлургия сингари техник жиҳатдан яхши жиҳозланган корхоналарда жуда кучайиб кетди. Россияда саноатнинг юқори даражада концентрациялашиши ишлаб чиқаришнинг

турли тармоқларига бир хил бўлмади. Ишлаб чиқариш концентрациялашишининг ўсиши корхоналар акциялари шаклининг кескин ривожланишига сабаб бўлди, катта-катта фабрика ва заводлар қуриш ҳамда уларни ишга солиш учун капитал етишмай қолган эди.

Россияда корхона эгаларининг биринчи синдикат битимлари 80-йилларнинг бошида пайдо бўла бошлади. 1882 йилда релс ишлаб чиқариш битими, 1886 йилда мих ишлаб чиқариш битими тузилди. Одатда бундай битимлар ишлаб чиқариладиган бу буюмларни давлатга етказиб бериш вақтида уларнинг нархини ошириш мақсадида тузиларди. Қанд ва нефт саноатидаги синдикатлар анча кучли эди. Қанд синдикати 1887 йилда тузилган бўлиб, 1892-1893 йилларда қанд заводларининг 92 % ни ўз ичига олган эди¹. Синдикат битимларини қанд нархини ошириш мақсадида ҳар бир заводнинг ҳар йили ички бозорда сотиш учун қанча қанд ишлаб чиқариши лозимлиги белгилаб берарди. Агар завод белгиланган миқдордан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарса, бу «ортиқча» маҳсулотни битимга мувофиқ чет элга чиқариб сотишга мажбур эди, акс ҳолда жуда катта жарима тўлаши лозим бўларди. Синдикатнинг пайдо бўлиши қанднинг нархини бирданига кескин ошириб юборди. Бу синдикат 1895 йилда тарқалиб кетди. Шундай қилиб, XIX аср 80-90 йилларида Россияда синдикатлар кўп бўлмай, монополиялар ўз тараққиётларининг энг дастлабки босқичида эди.

¹ www.city.ref.ru

1.2. XIX аср охири-XX аср бошларида Россиянинг Болқон, Осиё ва Узоқ Шарқдаги сиёсати. Рус-япон уруши

XIX аср охири-XX аср бошларида дунёдаги етакчи мамлакатлар империализм босқичига ўтган эдилар. Дунё улар ўртасида тақсимланган бўлиб, уни қайта тақсимлаш учун кураш бўсағада турарди. Бу етакчи мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан номутаносиб ривожланиб бурганидан ҳам келиб чиқарди. Янги давлатлар – АҚШ, Германия, Япония катта тарихий саҳнага чиқиб олдилар, бўш мустамлакалар эса бу вақтга келиб қолмаган эди. Айнан шу мамлакатлар ўзларининг молиявий ва ҳудудий манфаатларини кўзлаган ҳолда янги турдаги – империалистик урушларни бошлаб юбордилар¹.

XIX аср охирида Россиянинг Ғарб давлатлари билан муносабатлари анча ёмонлашди. Россиянинг ташқи сиёсатидаги обрўсига путур етган ва ҳарбий қудрати заифлашган эди. Халқаро муносабатларда, Европа сиёсати масалаларини ҳал этишда Россиянинг роли пасая бошлади. Россиянинг дипломатик мағлубияти Болқон ярим оролидаги устунликдан маҳрум бўлиш демак эди. Қора денгизнинг дахлсиз қилиниши мамлакат жанубини душман ҳамласи хавфидан ҳимоясиз қолдирди ва шу билан бирга дворянлар ҳамда саноат доираларини очиқ денгизга чиқариш йўллари кўлга киритиш мақсадида истилочиликни амалга ошириш имкониятларидан маҳрум этди. Рус дипломатияси янги шароитда ўзининг иш усулларини такомиллаштира бошлади. У соф дипломатик воситалардан фойдаланиш билан бирга жамоатчиликнинг ёрдамига суянишга ўринар, матбуот орқали Россия ва бошқа давлатларнинг жамоатчилиги фикрига мурожаат қиларди.

Париж конгрессида Англия билан Франция ўртасида зиддият борлиги ва шу билан бирга Франциянинг Россия билан яқинлашишига майли борлиги аниқ бўлди. Сулҳ тузилгандан кейин Франциянинг Россия билан дўстона

¹ История России. 1861-1917.- М.:Просвещение, 1990. С. 234

муносабатда бўлишга интилиши янада кучайди. Қора денгиз ва Болқон масаласи, Россия-Туркия муносабатларидаги зиддиятларнинг бош сабаби эди. Сербия-Туркия уруши (1876-77 й.) тугаб, 1877 йил февралда Туркия билан тузилган сулҳ шартномасида Сербия қўл қўйди. Черногория эса урушни давом эттирди. Март ойида Ғарб давлатлари Россиянинг ташаббуси билан Туркияга армияда демобилизация ва ислохотлар ўтказишни таклиф қилдилар. Россия айнан бир вақтда демобилизация ўтказиш ҳақида музокара бошлаш учун Петербургга Туркиядан ўз вакиллари юборишни сўради. Аммо Туркия бу таклифни рад қилди. 1877 йил 12-апрелда Александр 2 Туркияга қарши уруш эълон қилиш ҳақида манифестга қўл қўйди. Руслар май ва июн ойлари ичида кўрган қатъий тадбирлари билан туркларнинг кучли Дунай флотининг ҳаракатини бўшаштиришга муваффақ бўлдилар. Рус қўшинлари 15 июнда Зимниса-Систаво ёнида Дунай дарёсини кечиб ўтдилар. Турклар қўл остидаги корпусини Черногориядан Адрианополга кўчирдилар. Руслар Дунайни кечиб ўтиб, учта асосий отрядларга бўлиндилар. Плевна ва Шипка учун бўлган жанглар айниқса шиддатли бўлди. 28 ноябрда Усмон подшо қамалдаги Плевнадан ёриб чиқишга уруниб кўрди. Бу урушни бошида муваффақиятли чиққан бўлсада, лекин кейинчалик унинг қўшинлари улоқтириб ташланди. Усмон подшо 43 минг турк солдат ва офицери билан таслим бўлди. Декабрь ойида Туркиянинг аҳволи оғирлашди. 2 декабрда Сербия унга қарши уруш бошлади. 1876 йил январ ойида бутун флот бўйлаб рус қўшинларининг умумий хужуми бошланди. Гурко отряди 5-январда Адрианопол ёнидаги жангларда туркларнинг Сулаймон подшо қўмондонлиги остида асосий кучларини тор-мор қилди, 8-январда эса Снобелев қўл остидаги илгор отряд Адрианополни ишғол қилди. Қаршилиқ кўрсатиш учун кучи қолмаган Туркия сулҳ сўрашга мажбур бўлди. 7 январда русларнинг Бош қўмондони қароргоҳида турк вакиллари бўлди. 19 январда яраш аҳди имзоланди ва рус армияси Истамбулга қараб юрди. Бу эса Туркиянинг босиб олинишидан хавотирланган Англия билан Венгрияни

ташвишга солди. Инглиз ҳукумати агар рус қўшинлари Истанбулга кирадиган бўлса, “дипломатик муносабатларни ўзамиз” деб дўқ қилди. Ниҳоят, 1878 йил 19 февралда Сан-Стефанода сулҳ шартномасига қўл қўйилди. Сулҳ шартномаси Болқон ярим оролининг сиёсий харитасини тубдан ўзгартирди. Туркия ҳукмронлиги остидан қўплаб халқлар озодликка эришдилар.¹

70-йилларда рус ҳукумати билан англиз ҳукумати ўртасида Ўрта Осиёдаги таъсир доираларини аниқлаш учун музокаралар бошланди ва 1873 йили битим тузиш билан якунланди. Бунга мувофиқ Россия Афғонистонни ўз таъсиридан ташқари деб топди. Англия эса Хивани даво қилмайдиган бўлди. Аммо Қўқон хонлигининг Россияга қўшиб олиниши англизлар сиёсатини фаоллаштириб юборди ва рус-инглиз муносабатларининг кескинлашувига олиб келди. Бу нарса 1878 йилда бошланган инглиз-афғон урушида ва “Шарқ инқироzi” давомида Англиянинг Россияга нисбатан душманлик сиёсатини олиб борганлигида намоён бўлди. Афғонистон масаласига аралашувидан сўнг ўзининг стратегик мақсадларига эришган Россия Туркманистон ҳудудини босиб олишга киришди. 1881 йил 1 январдаги жанглардан сўнг кўктепа қалъаси чор қўшинлари томонидан қўлга киритилди. 1881 йил 9 декабрда Техронда форс-туркман чегараси тўғрисида махфий битим имзоланиб, бунда Россия таркибига янгидан киритилган ҳудуд чегаралари аниқланди. Шу йили Россия ва Хитойнинг Туркистон генерал-губернаторлиги ва Хитой ўртасидаги чегара чизиғини ўтказиш бўйича шартнома имзоланди. 1884 йил Россия марини эгаллаб, Кушкага чикди, 1885 йил 26 мартда Кушкада афғон харбий қисмлари мағлубиятга учради. Россия Кушкани босиб олиб, асосий пункт Ҳирот ва Қандахорни қўлга киритди. 1891 йил Россиянинг тасарруфига кирган Ўрта Осиё ҳудуди ва Афғонистон ўртасидаги чегара Помирдан ўтказилди. Бу битим Ўрта Осиё масаласи билан боғлиқ Англия ва Россия ўртасидаги келишмовчиликни тугатди.

¹ www.city.ref.ru

XIX аср охирида буюк давлатларнинг Хитойни бўлиб олиш учун кураши кескинлашди. Хитойда айниқса Англия мустақамланиб олган эди. У Бирмага эгалик қилар, Хитой бозорида устунлик қилар эди. Франция эса Ҳиндихитойни эгаллаб, янги истилолар уюштиришга тайёр эди. Узоқ Шарқда АҚШ ҳам ўз сиёсатини фаоллаштира борди. «Очиқ эшиклар» шиори остида америкалик корчалонлар Хитойга кириб келишга интилардилар.

1868 йилги «Мэйдзи инқилоби»дан сўнг Японияда капитализм айниқса юқори суръатлар билан ўсиб борди. Япония ҳам мустамлакаларга эга бўлиш эҳтиёжини сизди. Шунинг учун Япония фаол ҳаракатлар олиб бориб, аввало Корея ва Манжурияга кўз олайтирди. Япония ташқи ишлар вазири маркиз Ито Хитойнинг Кореядаги манфаатлари фақат тарихий аҳамиятга эга бўлса, Япониянинг манфаатлари иқтисодий эҳтиёж билан боғлиқ эканлигини эълон қилди. Ито Хитойни тақсимлаш бўйича Россия билан шартнома тузиш тарафдори эди.¹

Узоқ Шарқдаги курашнинг жиддий кескинлашуви XIX асрнинг 80-йилларида бошланган эди. Россия бунга ҳали умуман тайёр эмасди. Амурбўйи ва Приморье Россия-Хитой ўртасидаги 1858-1860 йиллардаги Шартномаларига кўра Россияга қайтарилган бўлиб, бу ердаги иқтисодий мустамлакачиликни ўрнатиш ишлари жуда сустривожланаётган эди. 1897 йилда Амур областида аҳоли сони 120 минг кишини, Приморье областида ва Камчаткада эса – 224 минг кишини, Сахалинда – 28 минг кишини, бутун бир улкан ўлкада эса – жами 376 минг кишини ташкил қилган эди. Байкалортида эса 672 минг киши истиқомат қилар эди.² Йўллар ёмон аҳволда эди, минтақада саноат ва қишлоқ хўжалиги сустривожланган эди. Мамлакат марказида деҳқонлар ночор аҳволда бўлиб, крепостнойлик зулмига дучор бўлган эди. Шу сабабли улар Амурбўйларида кўчиб ўтишни унча ёқламас эди.

¹ Романов Б.А. Очерки дипломатической истории русско-японской войны – М., 1955. С.14-15

² История Отечества. 1861-1917.- М., 1992. С.236

1894 йилгача Россия ҳукумати ўзининг кучсизлигини тан олган ҳолда, кўшнилари Хитой ва Япония билан дўстона сиёсат олиб боришга интилар эди. Токиодаги Россия элчиси Хитровга жўнатилган кўрсатмада «иккала кўшни давлат билан нафақат тинчлик, балки дўстона муносабатларни сақлаш» мақсадга мувофиқлиги очикдан-очик қайд этилган эди. Чунки «Япония ва Хитой кучли давлатлар эди, Россиянинг Узоқ Шарқдаги чекка ўлкалари эса ривожланмаган эди»¹.

Россия Хитой ва Япония билан савдо муносабатларини ривожлантирди. Савдо Владивосток орқали олиб борилиб, у ерда солиқсиз савдо (порто-франко) киритилганди ҳамда Кяхту, Благовешченск, Иркутск, Бийск ва бошқа чегара олди шаҳарларда ҳам савдо-сотик ишлари фаоллашди. Бундан ташқари Манжурия, Монголия, Тува билан айирбошлаш савдо-сотик ишлари кенг ривожланди. Россия шарққа пахта ип газламалар, зиғирпоя матолар, металл буюмлар, шакар, кумуш келтириб, чой, ипак газламалар, чини идишлар ва бошқаларни олиб кетарди. Россия билан савдоқсотик Хитой учун айниқса манфаатли эди: савдодан тушадиган даромад Хитойга фойда келтирарди, чунки Хитой кумуш билан таъминланарди, Россия қорадори олиб кирмасди ва кули (хитой ишчилари)ларни чиқармасди. Англия эса кулиларни олиб кетиб, қул савдоси билан шуғулланарди. Қорадорини олиб кириш ҳуқуқини қўлга киритиш учун эса Англия ва Франция Хитой билан урушолар олиб бориб, имтиёзларга эришган эди.²

Россия Узоқ Шарқдаги асосий душмани деб Англияни ҳисоблар эди ва Япониянинг агрессивлигига етарли баҳо бермаган эди. Англия ҳужумини қайтаришга тайёрланаётган Россия ҳукумати XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Транссибир темир йўл магистралини қуришни режалаштирган эди. Бу йўлнинг қурилиши подшо Александр III Англиянинг Пекиндан

¹ Витте С.Ю. Пролог русско-японской войны. Материалы из архива графа Витте.- Пг., 1916; Гримм Э. Сборник договоров и других документов по истории международных отношений на дальнем Востоке. 1824-1925. – М.:МГИМО, 1997

² Писарев Ю.А. Великие державы и Балканы накануне первой мировой войны. – М., 1985. С.13

Хунчунга олиб борадиган темир йўлга (Владивостокдан 100 км нарида) концессия олишга уринишлари ҳақида хабар олганидан сўнггина – яъни 1890 йилдан кейин бошланди. Молия вазири С.Ю.Витте 1892 йилда Сибирдаги йўлдан нафақат стратегик, балки иқтисодий мақсадларда ҳам фойдаланиш дастурини тақдим қилди. Унинг моҳияти шунда эдики, Россия Хитой ва Кореяга иқтисодий жиҳатдан кириб бориб, фойдали концессияларни қўлга киритиш ва Ғарб ва Шарқ ўртасида транзит савдосотиқ ишларини Россия орқали кенг миқёсда ривожлантириш имконига эга бўларди. Режада Узоқ Шарқдаги чегараларни ҳарбий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳам кўзда тутилган эди. Бироқ бу иш фақатгина кучли флот ва ҳарбий портлар ишга киритилгандагина, яъни 1910 йилдан бошлаб амалга оширилиши мумкин эди. Бундай имкониятлар Хитой, Япония ва Корея билан дўстона муносабатларни давом эттириш билан узвий боғлиқ эди.¹

Ташқи сиёсий вазият эса ушбу режанинг амалга ошмаслиги кўрсатарди. 1894 йилдаёқ Япония ўз қўшинларини Кореяга киритди, кейин эса Хитой билан уруш бошлади. 1895 йилдаги Симоносек шартномасига биноан Япония тор-мор келтирилган Хитойдан улкан контрибуция, Ляодун яриморалини ва бир қатор ороллари олди. Хитой Корея устидан протекторатидан воз кечди. Россия ҳукуматининг ташаббуси билан учта буюк давлат – Германия, Франция ва Россия Япониядан Ляодун яриморалидан воз кечишни Япониядан ультиматум тарзида талаб қилишди. Япония Хитойдан қўшимча контрибуция олиб, Ляодундан воз кечди. Бунинг натижасида Японияда норозиликлар авж олди ва Япония ҳукумати Россия билан урушга тайёргарлик кўриш ўн йиллик режасини қабул қилди.

Витте ўзининг Хитойга иқтисодий экспансия режасини қисман амалга оширишга эришди. 1895 йилда Россия Хитойга контрибуцияни тўлаш учун 150 миллион рубрик катта заём берди. Худди шу йили Рус-Хитой банки ташкил топди. 1896 йилда Москвага подшоҳнинг тож кийиш маросими

¹ Витте С.Ю. Воспоминания.- М., 1960. Т.1. С. 89

Хитой сиёсати раҳбари Ли-Хунчжан келди. У билан Японияга қарши муҳофизат иттифоқи тузиш шартномаси ҳамда Манжурия ҳудудида Хитой шарқий темир йўли (КВЖД – Китайская восточная железная дорога) қуриш ҳақида шартнома имзоланди. Бу темир йўлнинг қурилиши Читани Владивосток билан боғлаш имконини берарди. Концессия Рус-Хитой банкига берилиб, у КВЖД жамиятини тузди. Бу жамият ажратилган ҳудудда КВЖДни қуриш, ерларни бошқариш, ерости фойдали қазилмаларни қидириб топиш, кўмир ишлаб чиқариш каби ҳуқуқларни қўлга киритди. Концессия 80 йил муддатга берилган эди. 1897 йили КВЖД қурилиши бошланиб, 1901 йилда йўл бўйлаб дастлабки поезд келди¹.

Бу даврга келиб подшога истеъфодаги гвардия зобити А.М.Безобразов раҳбарлигидаги бир гуруҳ шахслар катта таъсир ўтказа бошлади. Бу гуруҳ «Безобразов тўдаси» деб аталиб, у Виттени Японияга ён бериш сиёсатида айблади ва ҳужум ҳаракатларини бошлашни талаб қиларди. 1897 йили Россия Порт-Артурга кемалар эскадрасини киритди, сўнгра эса Хитой билан Ляодун яриморалини 25 йил муддатга ижарага олиш ҳамда КВЖДдан Порт-Артурга темир йўл қуриш ҳақида шартномани имзолади. Россия музламайдиган портлар : Порт-Артурдаги – ҳарбий порт ва Далян (Дальний) даги – савдо портларини қўлга киритди. Иккала порт тез орада қайта қурила бошлади. Айниқса Дальний порти барча мамлакатлар кемалари учун очик деб эълон қилинди².

1900 йилда Россия бошқа буюк давлатлар билан бирга Хитойдаги «Ихэтуань» жамияти томонидан кўтарилган қўзғолонни бостиришда иштирок этди. Қўзғолон шафқатсизларча бостирилди, Хитойга катта ҳажмдаги контрибуция солинди. Россиянинг ташқи ишлар вазирлиги барча давлатларга Пекиндан қўшинларни чиқариш таклифи билан мурожаат қилди. Россия ТИВ циркулярида у Манжуриядаги қўшинларни КВЖДни

¹ Из истории русско-японской войны 1904-1905 гг. Сборник материалов к 100-летию со дня окончания войны. СПб.: Издательский дом Санкт-Петербургского государственного университета, 2005. С. 102-103

² Куропаткин А. Н. Русско-японская война. 1904-1905. Итоги войны. М.: Полигон, 2003. С.48

кўриқлаш учун вақтинча қолдириб, кейинчалик «Хитой билан асрий дўстлик»ни сақлаш учун уларни чиқаришини кўрсатган эди¹. Генерал Линевиц бошлиқ рус отряди 1900 йил августидаёқ Пекиндан шимолга олиб чиқилди ва бошқа истилочиларнинг жазо ҳаракатларида иштирок этмади.

Бироқ «Безобразов тўдаси» Манжуриядан қўшинни чиқармасликни талаб қилар эди. Ушбу клика томонидан тузилган қалбаки жамият бир владивостоклик коммерсантдан Ялу дарёси бўйидаги Манжурия ва Корея билан чегарадош катта ўрмон участкасига концессияни сотиб олди. Ўрмонни кўриқловчилар сифатида у ерга аскарлар киритилди. Бу ҳаракатлар Япония, АҚШ ва Англиянинг норозилигига сабаб бўлди. 1902 йилда Япония Англия билан муҳим шартнома тузишга муваффақ бўлди, унга кўра Англия Япониянинг бирон-бир давлат билан уруш олиб борган тақдирда дўстона нейтралитетни сақлаш ҳамда керак бўлса Япония иккита давлат билан уруш олиб борганда унинг томонида урушда иштирок этиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Шу тариқа Япония 1895 йилги дипломатик мағлубиятнинг қайтиш таҳдидидан ўзини сақлаб қолди. Англия ва АҚШ Японияга урушга тайёргарлик кўриш учун катта ҳажмдаги кредитлар беришди.²

1903 йил давомида Россия ва Япония ўртасида ноталар билан алмашинув даври бўлди. Япония томони Манжуриядан рус аскарларини чиқариш ва ўзининг Кореяга бўлган ҳуқуқларини тан олишни талаб қиларди. Россиянинг жавоблари ноаниқ эди. Узоқ Шарқдаги сиёсат асосан «Безобразов тўдаси» нинг қўлида эди. 1903 йил июль ойида Узоқ Шарқда ноиблик ташкил топиб, Порт-Артур ноиби этиб адмирал Е.И.Алексеев тайинланди. У ҳам Безобразовнинг тарафдори эди. Бундан ташқари «Безобразов тўдаси»ни ички ишлар вазири Плеве ҳам қўллаб қувватларди ва «кичик ғолибона уруш» омма назарини инқилобдан олиб қочиш учун кераклигини таъкидларди. Витте истеъфога чиқарилди. 1903 йил иккинчи

¹ Романов Б.А. Очерки дипломатической истории русско-японской войны – М., 1955. С.32

² Ўша жойда – М., 1955. С.38

ярмида Япония талабларини қатъийлаштирди ва 31 декабр куни Россияга ульматум такдим қилди. Чор ҳукумати урушнинг бевосита таҳдидини кўриб. Корея масаласида ён босишга мажбур бўлди. Аммо жавоб телеграммаси жуда кеч, яъни 1904 йил 22 январиди жўнатилган бўлиб, бу кунга келиб Япония ҳукумати урушни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Япония Россия унинг нотасига жавоб бермаётганлигини важ қилиб, Россия билан дипломатик муносабатларни тугатилиши ҳақида эълон қилди. Ваҳоланки бук уни – 1904 йил 24 январда телеграмма Нагасакида олинган бўлиб японлар томонидан бир кунга ушлаб қолинди ва фақат эртасига рус элчисига берилган эди.

Россиянинг ҳарбий кучлари Японияникига кўра кўпроқ эди. 1904 йилга келиб у 1135 минг кишилиқ кўшин ва 3,5 миллион киши заҳирадаги жангчиларга эга эди. Чор ҳукумати «кичик» Япония Россияга биринчи бўлиб хужум қилишига ишонмаган эди, шунинг учун куруқликдаги армиянинг катта қисмини ғарбий ва жанубий чегараларида жамлаган эди. Ҳаттоки Япония билан уруш бўлиши муқаррар эканлиги англаган пайтда ҳам, чор Узоқ Шарққа ҳарбий контингентни жўнатиш учун чора кўрмади. Ҳарбий министр Куропаткин ва ноиб Алексеев Николай II га «биз бугун Порт-Артур тақдири учун хотиржам бўла оламиз ва Шимолий Манжурияни сақлаб қоламиз», деб ҳисобот беришар эди¹.

Узоқ Шарқда 1904 йилга келиб турли жойларда 100 мингга яқин аскарлар жойлаштирилган эди. Кўшинларни жой-жойига келтириш қийинчиликка учради, чунки Байкал атрофи учатскасидаги Сибир магистрали ҳали охирига етказилмаган эди (у фақат 1905 йилда тугатилди). Байкал ёнида темир йўлнинг ўтказиш қобилияти 1903 йилда суткасига 2 поездни ташкил этарди, бир дивизия эса 20та эшелонга сиғар эди. Сафарбар этилган сибир қисмлари жангларда ўзларини яхши кўрсатдилар, аммо ғарбдан тинчлик вақтида шошилиш равишда тузилган, интизомсиз ва яхши

¹ История русско-японской войны. 1904-1905 гг. – М., 1977. С.105-106

ўргатилмаган аскарлар ва штрафланган зобитлардан иборат қарбий бирлашмалар жўнатила бошланган эди. Ҳатто уруш бораётган пайтда ҳам энг Сара қўшинлар марказда ушлаб қолиниб, инқилобга қарши ташланган эди. Зобитлар ҳам яхши тайёргарлик кўрмаган эди.¹

Россиянинг иқтисодий жиҳатдан қолоқлиги қўшинни қуроолантиришда кўринди. Дунёдаги энг яхши ва янги қурол-яроғ турлари – С.И.Мосин винтовкаси, тез отар 76 мм дала пушкаси билан қўшиннинг фақат учдан бир қисми таъминланган эди, холос. Қўшиннинг артиллерия қуроолари билан таъминланганлиги ҳам Европадаги қўшинларга нисбатан Россияда энг суст эди. Янги турдаги оғир артиллерия турлари йўқ эди. Пулеметлар, телефон ва телеграф аппаратураси ҳам йўқ эди.² Махсус равишда Узоқ Шарқ учун флот қуриш дастури охиригача амалга оширилмади. Порт-Артур истехкомлари қурилиши ҳам ниҳоясига етказилмаган эди. Бундан ташқари снарядлар, патронлар, озик-овқат ва ем-хашак ҳам етарлича тайёрлаб қўйилмаган эди.

Япония урушга анча яхши тайёргарлик кўрган эди. 1904 йилга келиб унинг ҳарбий дастури ортиғи билан бажарилди. Ҳаракатдаги армияда 143 минг жангчи ва 8 минг зобит бор эди. Флот ва резерв билан биргаликда – чақирувга мажбур бўлган ярим миллион кишидан 200 минг киши урушга шай бўлиб турган эди. Армия немис инструкторлари томонидан ўргатилган ва яхши қуроолланган эди. Қўшинлар оғир ва тоғ артиллериясига эга эди. Ҳар бир япон дивизияси 6 минг ташувчилар (қули) га эга бўлиб, бу ҳолат уни рус дивизияларига нисбатан анча ҳаракатчанлироқ қилар эди.

Урушга тайёргарлик кўришда Японияга АҚШ ва Англия катта ёрдам кўрсатишди, чунки улар Узоқ Шарқдаги уларнинг асосий душмани деб Россияни ҳисоблаган эдилар. Улар Японияга пул кредитларини бердилар, у учун кемалар созлаб, қурол-яроғ билан таъминладилар. Урушда денгиздаги

¹ История русско-японской войны. 1904-1905 гг. – М., 1977. С.110

² Ўша жойда. С. 112-113

устунлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Россия Тинч океан эскадраси учун кемаларни қуриш дастурини тугатмаган эди. Бундан ташқари 1902 йилда шарқда теъмирлаш базаси йўқлиги туфайли, Тинч океандан Болтиқ денгизига теъмирлаш учун 3 та эски броненосец ва 4 та крейсер олиб кетилган эди. Узоқ Шарқда японларнинг броненосецлар ва оғир крейсерлар сони жиҳатидан устунлиги кўринмас даражада (Япония - 14 та, Россия – 11 та) бўлса-да, улар оддий крейсерлар ва мина ташувчилар сони жиҳатидан устунлик қилардилар. Уруш бошланиши даврига келиб, умумий кемалар сони Японияда 80 та, Россияда 63 та бўлган. Владивостокдаги 10 та рус кемаси ва Корея қўлтиғини ҳимоя қилувчи 27 та япон кемалари ҳисобга кирмаган эди. Аммо Япониянинг энг асосий устунлиги кемаларнинг сифатида эди. Япония кемалари энг янги турдаги, тез юрар кемалар бўлиб, бортлари икки маротаба яхшироқ зирҳланган эди, артиллерия қуроллари ҳам сифатли эди. Япония қуроллари дақиқасига (1 минут) 2,5 маротаба кўпроқ снаряд чиқариш кучига эга эди, улардаги портлаш моддалари 15 маротаба кўпроқ эди. Отиш узоқлиги ҳам японлар артиллериясида узоқроқ эди.¹

Россия ҳукумати бошланаётган урушда флотнинг ролини нотўғри баҳолади. Денгизда устунлик қилган тақдирда Россия урушда ғолиб чиқар эди, Япония қўшинлари Манжурияга Кира олмасди. Энг сўнгги пайтда Россия Аргентинадан 2 та энг замонавий броненосец крейсерларини сотиб олишдан бош тортган эди, уларни Япония сотиб олди. Япон қўмондонлигининг уруш режалари хужум характерига эга бўлиб, рус флотига тўсатдан хужум қилиш ва уни йўқ қилиш, сўнггра эса Корея ва Порт-Артурда қўшинларни тушириб, қалъани қўлга киритиш, рус захиралари етиб келгунга қадар тезлик билан, шиддат билан рус армиясини тор-мор келтириш ва КВЖДни қўлга киритишни кўзлаган эди. Бироқ, кенгайтирилган айғоқчилар тармоғига эга бўлганига қарамай, японияликлар рус флотини, рус армиясини, Порт-Артур гарнизонини нотўғри баҳолаган эдилар, бу эса

¹ История русско-японской войны. 1904-1905 гг. – М., 1977. С.120

урушни чўзилиб кетишига сабаб бўлди. Русларнинг режаси аниқ эмас эди. Унда Порт-Артур ва Владивостокни денгиздан ва курукликдан ҳимоя қилиш, рус армиясининг аста-секин КВЖД йўли бўйлаб чекиниши, маҳаллий аҳамиятга молик жанглар олиб бориб, Харбин районида йирик кучларни йиғишни мўлжаллаган эди. Бу режа Порт-Артурнинг катта стратегик аҳамиятига етарли баҳо бермаган эди, русларнинг Тинч океандаги эскадрасининг кучини ортиқча баҳолаган эди ва ташаббусни Япония қўлига бериб қўйган эди.

Умуман олганда Япония урушга яхшироқ тайёргарлик кўрган эди. Одатда агрессор доимо яхшироқ тайёрланган бўлади, у урушни қачон бошлашини билади, шунинг учун уни бошлаш олдидан қўшинни тайёрлаб қўяди.

1904 йил 27 январ кечаси япон мина ташувчилар отряди уруш эълон қилмасдан Порт-Артур ташқи рейдидаги рус флотига хужум қилди. 16 та мина чиқарилиб, улардан 3 таси «Ретвизан» ва «Цесаревич» кемаларига ва «Паллада» крейсерига тегди.¹

Рус эскадраси ҳарбий тайёргарлик ҳолатига клетирилган эди ва бир неча дақиқадан сўнг артиллериядан ўт очди. Японлар иккита мина ташувчини йўқотишди. Эрталаб эса япон флоти тўла таркиби билан Порт-Артур эскадрасига ҳамла қилди, бироқ қирғоқдаги артиллерия хужумига бардош бера олмади. Руслар 3 та, японлар ундан ҳам кўп кема йўқотишди.² Чемульпода бўлиб ўтган жангда японлар русларнинг 5та кемасига зарар етказдилар.

24 феврал куни Порт-Артурга янги эскадра қўмондони адмирал С.О.Макаров етиб келди. У ҳимоя ишларига раҳбарлик қила бошлади. Портга кириш йўллари миналаштирилди. Бироқ 31 март куни японларнинг

¹ История русско-японской войны. 1904-1905 гг. – М., 1977. С. 125

² Новая история. – М., 1996. – С. 357

минасида «Петропавловск» броненосеци портлаб кетиб, адмирал Макаров ва 620 солдат ҳамда 28 та зобитлар халок бўлди.

Курукликдаги ҳарбий ҳаракатлар 1904 йил апрели ўрталарида бошланди. Куроки раҳбарлигидаги 45 минг кишилиқ 1-чи армия Тюренчен ёнида ҳужум бошлади. Генерал М.И.Засулич отряди 5 баробар камсонли бўлиб, мағлубиятга учради. Апрель охирида Бицзиво енида генерал Оку бошчилигидаги японларнинг 2-чи армияси, Дагушан енида эса –Нодзу раҳбарлигида 4-чи армия келиб ўрнаиб олди. Адмирал Алексеев ва курукликдаги қўшинлар қўмондони генерал А.Н.Куропаткин ўртасида келишмовчиликлар содир бўлди. Петербургдан Порт-Артурни қутқариш кўрсатмаси келди. Оку армиясига қарши Куропаткин Штакельберг корпусини жўнатди. Вафангоу енидаги жангда японлар ғалаба қозонишди¹

Куропаткин яна япон армиясига қарши ҳужум бошлаш ҳақида кўрсатма олди. Бироқ у руслар ва японлар кучларини солиштириб, бу режадан воз кечди. Ляоянда русларнинг 148 мингта аскар ва 673 та артиллерия қуроли бўлса-да, етакчи позицияларда фақат 94 минг аскар ва 338 та қурол-яроғ жойлашган эди. Японларнинг қўшинида 110та жангчи ва 484 артиллерия қуроли бор эди. Ляоян енидаги жанг 17 августда бошланди. Япон қўшинлари орқага чекинишди. Бироқ куропаткин японлардан кўрқиб, 21 августда чекинишга буйруқ берди. Японлар 24 мингдан ортиқ аскар ёўқотган бўлиб, бунга даслаб ишонмадилар. Бироқ руслар 17 минг кишини йўқотган бўлсаларда, ҳануз чекинаётган эдилар².

1904 йил сентябрида руслар Шахэ дарёси бўйида ҳужум бошладилар ва муваффақиятга эришдилар. Японлар Порт-Артур ҳужумига катта куч юбордилар. Куропаткин эса фақат бир қисмни ишга солиб, мағлубиятга учради. Кўп куч йўқотган иккала томон уч ой фақат отишма қилиб ётди.

¹ Оборона Порт-Артура. – М.:МГУ, 1990. С. 37

² История России: IX–XXI вв. От Рюрика до Путина: Учебное пособие/ Отв, ред. Я.А. Перехов. -- Москва: ИКЦ «МарТ», Ростов-на-Дону: ИЦ «МарТ», 2003. С. 311

1904 йил май оyi бошларида Порт-Артур Манжуриядан кесилди. Оку армияси Цзиньчжоу бўғози ва Дальний портини эгаллаб, шимолга томон йўналди. Дальний порти ёнида генерал-полковник Ноги 3-чи армияни бошлаб келарди. Хорижий кузатувчилар 3-армия аҳволини ёмон деб ўйлашсада, на куропаткин ва на Квантун райони қўмондони генерал А.Стессель хужум ҳақида ўйламасдилар ҳам, аксинча чекинишга буйруқ бергандилар. Фақат Шарқий-Сибир дивизия командири Р.Кондратенко Ляодун яримороли марказида японларга қарши хужум бошлади. Японлар 12 майдан 17 июлгача бўлган жангларда 12 минг аскарни, руслар эса 5,3 минг аскарни йўқотишди¹.

22 ноябрда японлар Високая тоғини босиб олдилар. Фақат 22 декабрдагина қалъа японларга таслим бўлди. Японлар Порт-Артур ёнидаги Ноги армияси ҳисобига кучайиб, 1905 йил феврал ойида Мукденга хужум бошладилар. Лекин бу жангда ҳам руслар мағлубиятга учрадилар. Руслар Тинч океанидаги Рождественский бошчилигидаги 2-эскадрага умид боғладилар. 1905 йил 14 майда рус флоти Корея бўғозига кирди, Жангнинг биринчи соатларидаёқ русларнинг мағлубияти бошланди. 15 майда эса жанг япон флоти ғалабаси билан якунланди. Уруш вақтида Россиянинг ташқи сиёсати аҳволи ниҳоятда ёмонлашиб кетди.

1905 йил майда Николай 2 Америка элчисини қабул қилди. Элчи АҚШ президенти Т.Рузвелтнинг Россия билан Япония ўртасидаги сулҳ музокараларини бошлаш тўғрисидаги таклифини етказди. Сулҳ тўғрисида музокаралар Портмутда олиб борилди. 1905 йил 23 августда сулҳ имзоланди. Россия Кореядаги таъсиридан маҳрум бўлди ва уни иқтисодий, сиёсий ва харбий жиҳатдан Япония манфаатлари доираси деб эътироф қилди, ўзининг Порт-Артур ва Далний ҳамда бу жойларда бўлган барча мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқадан батамом воз кечди, Хуан Чензи станцияси билан

¹ Оборона Порт-Артура. – М.: МГУ, 1990. С.41

Порт-Артур ўртасидаги темир йўлни барча паровоз ва вагонлари, тошқўмир конлари билан бирга Токиога берди.¹

Хуллас, Рус-япон урушида Россия мағлуб бўлиб, Япония ўз мақсадларига эришган ва янада кучайган эди.

1.3. XX аср бошларида Россиянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва ташқи сиёсатининг асосий хусусиятлари

XX аср бошларига келиб дунёдаги етакчи давлатлар ўз монополияларидан табиий бойликларни ўзлаштириб, саноатларинини янада ривожлантирдилар ва кучайиб бордилар. Бу даврда монополистик бирлашмалар ташкил топиш жараёни кучайди, бу бирлашмалар халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларини ўз ичига олди ва мамлакат хўжалик ҳаётининг асосларидан бирига айланди, Россия жанубининг қора металлургиясида бу йилларда «Продмет» деган йирик монополистик ташкилот қарор топди, бу ташкилот амалда бир қанча синдикатларнинг бирлашмасидан иборат бўлиб, металлургия саноатининг энг асосий маҳсулот турлари: сортли темир ва тунука, балкалар, релеслар ва бошқа шу кабилар савдосини монополия қилиб олган эди. Металлургия заводларининг фақат айрим хил маҳсулотлари савдосинигина ўз қўлида олган монополистик бирлашмалар, масалан, «Трибопродажа», «Кровия» синдикатлари каби монополистик бирлашмалар вужудга келди. Рангли металлургияда мис прокати заводлари синдикатлари (1903 й) билан «Мед» жамияти (1907 й) ҳал қилувчи мавқени эгаллаб олди, қўмир саноатида «Продигол» синдикати вужудга келди. Нефт саноатида «Нобел-мазут» картели катта мавқега эга бўлди. Темир рудаси саноатида «Продруд» синдикати қарор топди. (1907) Машина созлик саноатида «Прод паровоз» (1910) «Прод вогон» каби

¹ История Отечества.- М., 2000. С.241-242

монополистик бирлашмалар мавжуд эди. 1909 йил 1 январиди Россияда 45 саноат тармоқларида 140та монополистик бирлашмалар бор эди. Бу монополистик бирлашмалар ичида синдикатлар алоҳида ўрин тутарди. Бу синдикатларнинг энг йириги «Продмет» ва «Продугол» жамиятлари эди¹.

Россияда саноат юксала бошлаши билан чет эл капиталислари яна қайтадан рус саноати корхоналарининг аксияларини ҳам сотиб ола бошладилар, буни маблағ берадиган махсус жамиятлар ташкил қилиш йўли билан амалга оширдилар. Шундай жамиятлардан бири Лондонда 1908 йил таъсис этилган «Лена Голфилдс» жамияти Лена олтин саноати ширкатларининг пайларини қўлга киритиб олган эди. Биринчи жаҳон арафасида Россия халқ хўжалигига чет эл капиталининг кириб келишида айниқса муҳим рол ўйнаган муассаса рус банклари эди.

Россиянинг аграр тузуми ва ер эгалигида крепостнойлик қолдиқлари ҳукм сурган, миллионлаб деҳқонлар қашшоқ, ҳуқуқсиз ва саводсиз бўлган бир шароитда капитализм тараққий қилиб борди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши янада ихтисослашди.

1907-1914 йиллардаги халқаро вазиятнинг хусусияти шундай иборат бўлдики, меҳнат билан капитал ўртасидаги, ривожланган давлатлар билан уларнинг мустамлакалари ўртасидаги ўзаро зиддиятлар кескинлашиб кетди. Япония билан бўлган урушда чоризмнинг мағлубиятга учраганлиги, унинг Узоқ Шарқдаги босқинчилик режаларини барбод қилди ва Россиянинг Эрон, Афғонистон ва Туркиядаги таъсирини камайтирди. Россия ўзининг халқаро мавқеидан маҳрум бўлиш хавфини туғдирган яккаланиб қолиш даражасига тушиб қолмаслик учун Европадаги бир-бирига душман блоклардан бирига албатта қушилмоғи шарт бўлиб қолган эди.

Чор ҳукумати Англия билан битимга келишидан олдин Япония-Россия ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиб олмоқчи эди. Япония ҳукмрон доиралари Россия билан сулҳ эртароқ тузилди деб ҳисоблар, Узоқ Шарқда

¹ История Отечества. М., 2000. С. 485

Россия ҳисобида янги ҳудудлар босиб олинишини истар эди. Лекин Япония ҳукуматининг қўяётган талаблари битимга келиш йўлидаги асосий тўсиқ бўлиб, бу талаблар Портмут шартномаси доирасидаги анча четга чиқиб кетган эди. Япония, жумладан Амур ва Сунгариди ўз кемаларининг бемалол қатнаши ҳуқуқини, Сибирга имтиезли ҳуқуқлар билан товарлар келтиришни, Россиянинг Узоқ Шарқ соҳилларига амалда чекланмаган тарзда, эркин суръатда балиқ овлаш ҳуқуқини талаб қилар эди.

1907 йил 15 июлда Россия-Япония савдо шартномалари ва балиқ овлаш тўғрисида конвенция, орадан бир кун ўтгач, 17 июлда умумий сиёсий масалалар юзасидан ҳам битим имзоланди.

1907 йил 18 августда Россия билан Англия Петербургда уларнинг Эрон, Афғонистон ва Тибетдаги манфаатлари доиралари чегараларини белгилаш тўғрисида битим имзолашди. Эроннинг рус ва инглиз сармоядорлари учун рақобат майдони ҳисобланган бетараф зонаси очик қолдирди. Бу зонада мулкларни ижарага олиш масаласида ҳар икки давлат ҳамда тенг ҳуқуққа эга бўлди. Россия билан Англия Эроннинг даромад манбаларини назорат остига олиш тўғрисида келишиб олдилар¹.

Чор ҳукумати Англиянинг Афғонистон устидан протекторатини амалда эътироф этиш билан Ўрта Осиёдаги ўзининг стратегик мавқеини анча заифлаштириб қўйди. Давлат Думасининг 1908 йил 27 февралдаги мажлисида Ташқи ишлар вазири Изволскийнинг Англия-Россия битими имзоланганлиги тўғрисидаги баёнотидан фақат ошкора германпарастларгина норози бўлдилар. Бу битим Европанинг бир-бирига қарама-қарши турган иккита ҳарбий-сиёсий блокка – Антанта (Россия-Франция-Англия) ва “Учлар иттифоқи”га (Германия – Австрия-Венгрия – Италия) бўлинишни тугаллади ва бинобарин, Биринчи жаҳон урушига олиб борадиган йўлдаги муҳим босқич бўлди.

¹ История России: IX–XXI вв. От Рюрика до Путина: Учебное пособие/ Отв, ред. Я.А. Перехов. – Москва: ИКЦ «МарТ», Ростов-на-Дону: ИЦ «МарТ», 2003.. С.313-314.

XIX аср охирига келиб дунедда шундай тартиб ўрнатилдики, бутун жаҳон ҳамжамияти бозор иқтисодиети ва либерал демократия қадриятларини тан ола бошлади. Дуненинг иқтисоди ва янги цивилизацион яхлитлиги шаклланди. XIX асрда қудратли ривожланган Европа давлатлари кучи билан тасдиқланган дуне бирлиги ўрнида умумий универсал, глобал қадриятларга асосланган яхлитлик келди. Дуненинг шаклланаётган яхлитлиги эса унга тегишли дуне тартиботини яратиш масаласини долзарб қилмоқда. XX аср бошларида дуне тартиботи ҳукмронлик ва бўйсунишда асосланган эди. Европа давлатлари дунени мустамлакаларга бўлиб, уларни ўзларига бўйсундирган эди. Қудратли давлатлар ўртасидаги рақобат ҳарбий иттифоқлар тузиш шаклини олди. Бу эса улар ўртасидаги зиддиятларни кучайтириб, 1 ва 2 жаҳон урушларини келтириб чиқарган эди. СССРнинг парчаланиши ва шарқий блокнинг барбод бўлиши «совуқ уруш»нинг тугашига олиб келди. Халқаро муносабатларда янги вазият вужудга келди. Янги дуне тартиботини ҳукмронлик ва бўйсундириш тамойиллари асосида ўрнатиб бўлмайди. Фақат халқаро ҳуқуқнинг устуворлигини ва дунеддаги барча давлатларнинг халқаро муносабатлар субъектлари сифатида тенглигини тан олган ҳола янги тартиботни ўрнатиб бўлади.

Янги тартиботнинг ўрнатилиши биргаликда бир қатор глобал муаммоларни, яъни алоҳида бир мамлакат томонидан ечилиши мумкин бўлмаган, барча дуне мамлакатларига тааллуқли бўлган муаммоларни ечишга ердам беради. Булар орасида мустақил равишда ўз қолоқлигини баратараф қила олмайдиган мамлакатлар (масалан, Тропик Африка мамлакатлари) қолоқлигини баратараф қилиш, янги мустақил давлатлардаги бозор ислохотларини қўллаб-қувватлаш, экологик муаммолар, атроф-муҳит ифлосланиши ва ҳк. Бу борада Россиянинг XIX аср-охири-XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиети ва ташқи сиёсати тарихини ўрганиш, қўйилган масалаларни ҳар томонлама очиб бериш ҳам ўзига хос амалий аҳамиятга эгадир.

2-БОБ. XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА РОССИЯНИНГ УЗОҚ ШАРҚДАГИ ТАШҚИ СИЕСАТИ

2.1. XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг АҚШ ва Хитой билан муносабатларининг зиддиятлашуви

XIX аср иккинчи ярмидаги Узоқ Шарқдаги халқаро муносабатларнинг асосий мазмуни кучли капиталистик давлатларнинг мустамлакаларга эга бўлиш учун олиб борган курашлари билан белгиланган эди. XIX аср иккинчи ярмига қадар Россиянинг Хитойга нисбатан олиб борган сиесати Ғарбий Европа давлатлари ва АҚШнинг мустамлакачилик сиесатидан фарқ қилган эди. Россия кўп асрлар мобайнида Хитой билан яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб қолган эди. XIX аср 70-йилларида Япония ижтимоий-иқтисодий тараққиётида катта ўзгаришлар содир бўлди. Мейдзи буржуа инқилоби (1868 й) дан сўнг Япония капиталистик тараққиёт йўлига ўтди.

Россия ва Хитойнинг Узоқ Шарқдаги савдо-иқтисодий алоқалари ушбу минтақадаги халқаро муносабатларнинг муҳим аспектларидан бири бўлиб қолди. Рус Узоқ Шарқидаги ва Манчжурия аҳолисининг ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ўрнатилиши ва ривожланиши XIX аср иккинчи ярми-XX аср бошларида бу ҳудудларни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш ва бу ерга аҳолини кўчиб келиши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиети билан боғлиқ объектив тарихий жараёнлар билан шартланди. Ушбу муносабатларнинг юридик асоси бўлиб тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли шартномалар бўлди: 1858 йилдаги Айгунъ ва 1860 йилдаги Пекин шартномалари. Ушбу шартномаларнинг имзоланиши рус-хитой чегараларини аниқлаб берди, Приморье ва Приамурьега аҳоли кўчиришини тезлаштириб юборди. XIX аср 60-йиллигача Узоқ Шарққа дон, Оренбург,

Байкалорти казаклари, қочоқ крестьянлар, катагон қилинганлар мажбурий равишда кўчириб келтирилди. Шу билан бирга узок чекка ўлкага саноатчилар, савдогарлар келиб ўрнашиб, у ерда ўз капиталларини жойлаштиришга интилдилар. Аҳолини кўчиртиришга қаршилик қилаётган асосий сабаб – совуқ иқлим, озик-овқат базасининг йўқлиги, савдонинг емон аҳволи, бу даврда крестьянларни кўчиртиришга ҳукуматнинг қизиқмаганлиги, самодержавиенинг ўлкага нисбатан кам эътибори эди. 1861 йил ислохоти феодал-крепостной муносабатларини тўла бартараф эта олмади, бу эса Узок Шарқдаги чекка ерларига аҳолини кўчириб келишга халакит берарди. Узок Шарқда иккала мамлакат ўртасидаги савдо XIX аср 90-йилларигача жуда секин ривожланди.

Россияда капитализмнинг ривожини феодал сарқитлар мавжудлиги туфайли ҳам тормозланди. Бу эса рус савдо-саноат буржуазиясининг кучсизлиги, унинг маҳсулотларини жаҳон бозорида рақобатсизлигини белгилади. Узок шарқда рус-хитой савдосини кенгайтиришга рус кемасозлигининг кучсизлиги, савдо денгизчилигининг етарлича ривожланмаганлиги, ва, асосан, темир йўлларнинг йўқлиги халакит берарди. XIX аср охирига Хитой ташқи савдоси интенсив равишда ўсиш даврига ўтди. Унинг кўламларини кўпайтириш учун иқтисодий асос бўлиб, аввало, товар қишлоқ хўжалигининг тараққиёти яратиб берди. Россиянинг Хитой билан кейинги муносабатларни ривожлантириш йўлидаги муҳим вазифаси экспорт ва импорт тузилмасини тўғрилаш вазифаси бўлди, чунки у пассив савдо сальдосига эга эди. Бу вазифани авваломбор темир йўл транспортини ривожлантириш йўли билан амалга ошириш мумкин эди. Бу темир йўл Россия саноат марказларини Хитой билан бирлаштириши керак эди. XIX аср охири- XX аср бошлари жаҳон капитализмининг унинг олий босқичи бўлган империализмга ўтиш даври бўлди. КВЖД нинг қурилишидан чор ҳукуматининг мақсади биринчи навбатда стратегик мақсадларни кўзлади. Япония позицияларининг Осиё қитъасида кучайиши нафақат Хитойнинг

худудий яхлитлигига, балки Россиянинг Узоқ Шарқдаги манфаатларига ҳам таҳдид туғдирарди. Курилишнинг иқтисодий вазифалари ҳам мавжуд эди. Россиянинг Хитой билан савдо айирбошлаш шароитлари ва кўламини яхшилаш, Хитойга рус маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш, Россиядаги дефицит бўлган савдо балансини тўғрилаб олиш лозим эди. КВЖДга Россиянинг европа қисмидан Ўзоқ Шарққа ва Узоқ Шарқдан европа қисмига транзит ташишларни амалга ошириш вазифаси ҳам юкланди. 1897-1903 йилларда КВЖД зонасида ўрмон саноати ривожлана бошланди. Манжурияда КВЖД қурилиши муносабати билан, ҳамда Узоқ Шарқдаги рус аҳолиси сонининг кўпайиши туфайли Хитой билан савдо фаоллашди. 1900 йилда Байкалорти темир йўли қурилишининг тугаши муносабати билан (Байкалдан шарқроқда Архар станциясигача бўлган Транссибир магистрали участкаси) Узоқ шарқда Порто-Франко режимидан воз кечилди (Сахалин ва Камчаткадан ташқари)¹.

XIX аср охири- XX аср бошларида рус-хитой савдоси ҳажмининг кўпайганлигига қарамасдан, Россия ҳануз пассив сальдога эга эди. XIX аср охирида Россия олдида Узоқ Шарқдаги чекка ўлкаларни мустаҳкамлаш вазифаси турган эди. Приамурье ва Приморьега аҳоли кўчириш ва у ерларни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш долзарб вазифага айланди. Бу ҳолат Узоқ Шарқдаги вазиятнинг кескинлашуви каби сиёсий сабабларга кўра, ҳамда Узоқ Шарқда Россиянинг миллий хўжалик базасини яратиш кераклиги каби иқтисодий сабаблар билан шартланди. Шу билан бирга 1891 йилда бошланган Транссибир магистралини қуриб битказиш, Россия империяси худудида ягона бозорни шакллантириш ҳам жуда муҳим вазифалар сирасига кирарди. 1894-1895 йиллардаги япон-хитой урушигача Россия ва Хитой бир неча асрлар мобайнида шаклланган яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлаб ва сақлаб турган эдилар.

¹ Киняпина Н.С. Внешняя политика России во второй половине XIX в. – М., 1974. С.102

Рус-япон уруши натижасида Россиянинг Манчжуриядаги позициялари пасайди. Савдо кўламлари кўпаяётган бўлса-да, айрим тармоқларда рус капиталининг инвестиция фаолияти жонланди, шу билан бирга рус капитали япон ва ғарб капитали томонидан сиқиб чиқарилаезди. Биринчи жаҳон уруши йилларида Узоқ Шарқ ролининг кўтарилиши, айниқса транспорт транзити борасида, Россия иқтисодиетида ва Хитойдан импорт қилишнинг кўпайиши Россиянинг Манчжуриядаги иқтисодий позицияларининг сустрлашиб бориши кузатилди. Бунинг сабаби уруш унчалик таъсир кўрсатмаган давлатлар томонидан рақобат эди.

Узоқ Шарқда Россиянинг Хитой билар савдо қилиш шарт-шароитлари анъанавий тарзда ўзаро манфаатли эди. Россия 1858 йилдаги Тяньцзин Шартномасига биноан АҚШ, Англия, Франция билан биргаликда рус кемалари томонидан Хитойдаги «очик» бандаргоҳлардан фойдаланишнинг тенг имтиезларга эга бўлган бўлса-да, бироқ, XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг денгиз савдоси энди ривожлана бошлаётганлиги сабабли, у бу имтиезлардан деярли фойдаланмади ва Хитой билан асосан анъанавий куруқликдаги савдо олиб борди. Асосан тўғри товар айирбошлаш, асосан пул ва кредитлардан фойдаланмасдан амалга оширилди. Эндигина саноат юксалиши босқичига кираётган Россия ғарбдаги сингари иқтисодий экспансия услубларидан фойдалана олмасди. Россияда ҳали европа буржуазиясининг «оғир артиллерияси» ҳисобланмиш – арзон саноат моллари йўқ эди, шунинг учун унинг Хитой билан савдо баланси доимий равишда катта пассив билан бажариларди.

Рус Узоқ Шарқининг, айниқса Манчжуриянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиетида КВЖД алоҳида роль ўйнади. У нафақат Россия ва Хитой учун, балки Узоқ шарқдаги бошқа мамлакатлар учун ҳам муҳим транспорт канали бўлиб хизмат қилди. Унингт асосида шаклланган хўжалик мажмуи

доирасида кейинчалик хитой халқининг инқилобий курашида фаол иштирок этган ишчилар синфи шакллана бошлади¹.

Умуман олганда, Узоқ Шарқда Россиянинг Хитой билан иқтисодий муносабатлари XIX аср иккинчи ярми-XX аср бошларида рус Узоқ Шарқи ҳамда Манчжуриянинг тараққиетига ижобий таъсир кўрсатди. Товар айирбошлашнинг юксалиб бориши давлатлараро алоқаларнинг кенгайишига, рус ва хитой халқларининг яқинлашувига сабаб бўлди. Узоқ Шарқда Россиянинг Хитой билан муносабатлари, албатта, чор ҳукумати сиесатининг империалистик характери, Цин ҳокимиятининг ксенофобияси, саводсизлиги ва фақат ўзини ўйлаши туфайли мураккаблашди.

2.2. XIX аср иккинчи ярмида Россия ва Америка муносабатларининг ривож

АҚШдаги фуқаролар уруши Россияда катта қизиқиш уйғотди. Бу қизиқиш авваломбор, воқеанинг кенг кўламлиги билан изоҳланарди. Фуқаролар уруши бошланганидан буен рус ҳукумати шимодагиларга нисбатан яхши позицияда бўлиб, бу нарса иккала давлатнинг АҚШнинг мустақиллиги учун кураш олиб борган уруши давридан ўрнатилган дўстона алоқаларини ифодалади. Қрим уруши йилларида, англо-француз флоти Узоқ Шарққа ҳужум қилишга тайёргарлик кўргандаек, америка ҳукумати Россия маҳаллий ҳокимиятини ғарб мамлакатларининг душманларча акцияси тўғрисида хабар берган эди. Ушбу огоҳлантириш ўз вақтида иттифокдошлар флоти ҳужумини қайтаришга қаратилган чораларни кўришга имкон берди. АҚШ ва Россия ўртасидаги юмшоқ муносабатлари бир қатор сабаблар билан тушунтириш мумкин. Асосий сабаб шуки, Англия сиесатига ягона қараш

¹ www.bankreferatov.ru

мавжуд эди. Иккала ҳукумат ҳам Буюк Британияни асосий душман деб ҳисобларди.

XIX аср 60-йилларида Россияда капитализм ўрнатилганда, Ўрта Осиё, Яқин ва Узоқ Шарқдаги рус-инглиз зиддиятлари айниқса кескинлашди. Шу билан бир вақтда Англия ва Америка ўртасидаги рақобат ҳам кучайиб кетди. Чор ҳукумати Шимол билан Жанубнинг ҳар қайси шартларда келишувига хайрихоҳ эди ва Шимол ғалаенчи штатларга биров ўрин бериши мумкин деб ҳисобларди. «Биз учун Шимол ҳам йўқ, Жануб ҳам йўқ, фақат федерал Иттифоқ бор бўлиб, унинг тарқалишига биз афсус билан қарамоқдамиз»¹, - деб ёзган эди Горчаков Вашингтондаги рус элчиси Стекльга.

Линкольннинг ички сиёсатига хайрихоҳлик билдирмасдан, рус ҳукумати Америкага Европа ва Узоқ шарқдаги сиёсат масалаларини ҳал қилиш борасида бўлажак иттифоқдош сифатида қарарди. АҚШ эса ўз навбатида, Россияга Америка қитъаси ва Тинч океанда Англия ва Франция билан курашишда ердам бера оладиган давлат сифатида қарарди. Чоризм ташқи сиёсий вазифалари билан Россиянинг Америкага уюштирган денгиз экспедицияси боғлиқ эди. 1863 йил июлида Петербург маҳкамаси Атлантика орқали АҚШ қирғоқларига контр-адмирал Лесвоский раҳбарлигидаги ҳарбий эскадрани жўнатди. Бошқа эскадра контр-адмирал А.А.Попов қўмондонлиги остида Тинч океан орқали Сан-Францискога етиб борди. Н.К.Краббе Поповга ғарб давлатлари ва Россия ўртасида ҳарбий ҳаракатлар бошланиши тўғрисидаги хабар олинганда ўз кемаларини «душманнынг ҳимоя қилинмаган жойларига жўнатиш, ва душманларга савдо йўлларида зарар етказиш» учун керак бўлган чораларни қабул қилишни таклиф қилди². Худди шундай вазифа Попов каби контр-адмирал Лесовский ҳам юклатилган эди. 1863 йил 11 сентябрдаги Денгиз вазирлигининг кўрсатмасида Лесовскийга «агар ғарб давлатлари билан кутилаётган уруш содир бўлганда барча имкон қадар ва

¹ Красный архив. 1939. № 3(94). С.126. Горчаков-Секлю. 8 марта (24 февраля) 1862 г.

² Красный архив. 1930. №1 (38). С.156.

мавжуд воситалар ердамида душманларимизга қарши ҳаракат қилиш» лозимлиги кўрсатиб ўтилганди.

1863 йил июлида Америка қирғоқлари сари кемаларни жўнатишда Петербургдан Вашингтонга Америка ҳукуматининг АҚШ бандаргоҳларида рус эскадраларининг туришига муносабатини аниқлаш учун депеша жўнатилди. АҚШ денгиз вазири Уиллс ўз жавобида: «.. бизнинг сувларимизда Жаноби Олийларига тааллуқли бўлган флотнинг эскадраси мавжудлиги юртдошларимиз учун фақат хурсандчилик ва бахт манбаи бўлиши мумкин»¹, -деб езган эди.

Нью-Йорк муниципалитети аъзолари эскадрани кутиб олиш пайтида Россиянинг Шимол билан Жануб ўртасидаги курашга аралашмаслик сиёсати учун русларни яхши кутиб олдилар².

Россиянинг Фуқаролар уруши йилларида эгаллаб олган ижобий позицияси АҚШ учун катта аҳамият касб этди. Ғарб давлатлари Америка яхлитлигини тарқатишга ҳамда ғалаенчиларни қўллаб-қувватлашга уринган вақтда, рус ҳукумати Федерал Иттифоқ ғалабаси учун фаолият кўрсатди. Уруш пайтида АҚШ ташқи экспансия ҳақида умуман ўйламаганди. Иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бутун тарихи мобайнида рус-америка яқинлашувининг кульминацияси, яъни энг юқори нуқтаси бўлиб Г.В.Фокснинг 1866 йил езида Россияга ғолибона миссияси бўлди. Шу пайтнинг ўзида Аляскада ва Сибирда биргаликда телеграф линияси қурилатганди. Бу телеграф линияси Европа ва Американи боғлаши керак эди. Айнан шу даврда Америкадаги рус мулкларини АҚШга сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. 1866 йил 16 (28) декабрида Александр II, А.М.Горчаков, буюк князь Константин, М.Х.Рейтерн, Н.К.Краббе, Э.А.Стекль иштирокида «махсус йиғилиш» бўлиб ўтди. Асосий сабаб ташқи таҳдид, уруш бўлган тақдирда мустамлакаларнинг ҳимоясизлиги бўлиб

¹ Красный архив. 1930. №1 (38). С.157.

² Малкин М. Гражданская война в США и царская Россия. –М-Л, 1939. С. 288-289.

қолаверди. Бу вақтда АҚШ экспансияси реал бўлмасдан, потенциал бўса ҳам, у, шубҳасиз, назарда тутилган эди. Бундан буюк князь Константин, А.М.Горчаков, Э.А.Стекль ва бошқаларнинг ёзишмалари далолат беради.

Ушбу ҳужжатлардан маълум бўлишича, асосий сабаб – келажакда мумкин бўлган зиддиятлар ўчоғини бартараф қилиш, иккала мамлакат амалдаги иттифоқини мустаҳкамлаш, Россиянинг Узоқ Шарқдаги позицияларини мустаҳкамлашга эътибор қаратиш (айниқса Амур дареси ҳудудларида) эди. Бошқа, умумий сабаблар ҳам бўлиб, улар Рус Америкаси олдида келажакни ёпган эдилар: қолоқ крепостнойлик тузуми, мустамлакаларда рус аҳолисининг камлиги (600-800 икши даражасида), индейслар омили (мустақиллик ва тлинкитлар қаршилиги) ва бошқалар. Ушбу асосий сабаблар «махсус йиғилиш» ҳужжатларида еритиб ўтилмаган эди.

Фуқаролар уруши йилларида АҚШ Рус Америкасига эътибор бермаган эди. 1861-1865 йиллардаги воқеалар Шимолий Америкадаги рус мустамлакаларинини сотиш мумкинлиги тўғрисидаги ғояни кўмиб ташламан бўлса-да, узоқ вақт мобайнида сиқиб чиқарган эди. Шу билан бирга халқаро муносабатларнинг умумий ривожига ва аниқса рус-америка яқинлашуви, оқибат натижада, Аляскани АҚШга ўтишига олиб келган вазиятни яратилишига маълум миқдорда имкон берди. Совет адабиётларида шундай фикр кенг тарқалганки, Рус Америкасини сотилишининг асосий сабаби АҚШнинг экспансияси бўлган, ҳаттоки бевосита ҳарбий тўқнашув таҳдиди бўлган экан. Жумладан, М.И.Беловнинг таъкидлашича, рус ҳукумати АҚШ билан уруш хавфи туфайли «уятсиз келишувга борди» ҳамда «Аляскани сотиш ишида ташаббус, юмшоқ қилиб айтганда, бутунлай АҚШга тааллуқли эди»¹.

Катковнинг таъкидлашича эса, Ердаги барча мамлакатлардан Россияда АҚШ энг оммабоп ҳисобланади. Руслар ва америкаликлар ўртасида ҳеч

¹ Белов М.И. К столетию продажи Аляски.// Изв. ВГО. 1967. ; 4. С. 297, 299.

қачон на ёқтирмаслик, на манфаатларнинг жиддий тўқнашуви бўлмаган, фақат Россиядан АҚШ ҳар доим ҳам ёқтириш ва дўстлик сўзларини эшитиб турган»¹.

АҚШ ва Россия ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ишончли ва яқин характери тўғрисида тантанали қабул маросимлари ва обедлардаги кўпсонли сўзлар эмас, газета ва журналлардаги ўнлаб, юзлаб мақолалар эмас, фавқулодда элчилик муносабати билан чоп этилган махсус нашрлар эмас, Александр II томонидан Г.В.Фокс ва унинг ҳамроҳларига совға қилинган бриллинат узуклар ва бошқа қимматбаҳо совғалар эмас, балки ўзаро ишонч, иккала давлатнинг ҳарбий соҳада Қрим уруши давридаёқ бошланган ва кейинги йилларда давом эттирган яқиндан ҳамкорлик қилиши далолат беради. Адабиетларда шундай фикрни ҳам учратиш мумкинки, «чор ҳукумати томонидан Америкадаги рус мулкларини сотиш тўғрисидаги масала 1866 йил езида Россияда АҚШ денгиз котиби ердамчиси Густав В.Фокснинг ташрифи чоғидаёқ ҳал этилган»² эмиш. Афсуски, ушбу нуқтаи назар тарафдорлари уни тасдиқлаш учун ҳеч қандай конкрет фактларни ва ҳужжатларни келтирмайдилар. Т.М.Батуева «Фокснинг Россияда ташрифи чоғида езилган кундалик»ни келтиради, бироқ ушбу кундаликда, аниқроғи эса, Фокснинг Уэллсга 1866 йил 30 сентябрда ёзган ҳисоботида³ бу ҳақда ҳеч нарса дейилмайди. Фокснинг Рус Америкаси тўғрисида музокаралари ҳақида маълумотларни бошқа бирон бир чоп этилган ва архив ҳужжатларда ҳам учрамади. Шу билан бирга Г.В.Фокс ва унинг ҳамроҳларининг Россиядаги ташрифи Рус Америкасини АҚШга сотиш тўғрисидаги қарорга ҳеч қандай таъсир ўтказмади дейиш ҳам нотўғридир. Г.В.Фокснинг миссияси рус-америка яқинлашувининг юқори нуқтаси бўлиб, кўп ҳолда Россия ва

¹ Войтоловский Г. По разные стороны Берингова пролива. // Мировая экономика и международные отношения. 1986. №6. С.38.

² Батуева Т.М. Экспансия США на севере Тихого океана в середине XIX века и покупка Аляски в 1867 г. Томск, 1976. С.31

³ Ўша жойда. С.34 (ҳаволаси: Г.В.Фокс –Г.Уэллсу. 30 сентября 1866 г. №9 //FRUS, 1866/67, Vol.1.P.422-428)

АҚШ ўртасидаги табиий иттифоқ мавжудлиги тўғрисидаги фикрни тарқалишига сабаб бўлди. Айнан ушбу ҳолат Америкадаги рус мулкларини сотиш муаммосини тадқиқ этганда муҳим аҳамият касб этади.

Рус Америкаси тақдири ҳақидаги масалани қайта кўриб чиқиш учун бевосита сабаб Санкт-Петербургга Вашингтондаги рус элчиси А.Стекльнинг ташрифи бўлди. 1866 йил октябрь ойида АҚШни ташлаб чиқиб, у 1867 йил бошларига қадар чор пойтахтида яшади¹. Бу даврда унинг нафақат ташқи ишлар муассасасидаги ўзининг бевосита раҳбарияти билан, балки бошқа иккита асосий фигуралар билан – буюк князь Константин ва молия вазири М.Х.Рейтерн билан ҳам музокара қилишга имкони бор эди².

Айнан Э.А.Стекль, А.М.Горчаков топшириғига биноан М.Х.Рейтерн билан «Қўшма Штатларига бизнинг Шимолий Америкадаги мустамлакаларимизни Россия-Америка компания ва ҳукуматига маълум рағбатга беришимиз предмети бўйича» музокарасидан кейин молия вахири 1866 йил 2 (14) декабрида бу тўғрисида ўзининг фикрларини баён қилди.

Ўзининг расмий мавқеи туфайли молия масалаларидан воқиф бўлган Рейтерн Рус-америка компаниясининг амалий ҳаракатларини салбий баҳолади. Америкадаги рус мулкларини АҚШга бериш унинг фикрича қуйидаги сабабларга кўра жуда керак эди:

«1. Компаниянинг 70-йиллик мавжудилигидан сўнг у на эркак аҳолининг руслаштирилишига, на рус элементининг мустаҳкамланишига эришмади ҳамда бизнинг савдо денгизчилигимизнинг ривожига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмади. Компания ҳаттоки акциядорларга кўриналри фойда келтирмайди.. ва фақат ҳукумат томонидан ажратилаётган маблағ туфайли сақланиб қолиши мумкиндир». Вазирнинг таъкидлашича, Америкадаги мустамлакалар аҳамияти янада пасайган эди, чунки «эндиликда биз Амур

¹ Войтоловский Г. По разные стороны Берингова пролива. // Мировая экономика и международные отношения. 1986. №6. С.39. (Э.А.Стекль-У.Спюарду. 30 сентября (12 октября) 1866 г.)

² Ўша жойда.

ўлкасида мустаҳкам ўрнашиб олдик. Бу ўлка эса анча қулай иқлим шароитларида жойлашган».

«2. Мустамлакаларни бериш.. бизни бирон-бир денгиз давлати билан уруш бўлган тақдирда ҳимоя қила олмайдиган мулкдан халос этади». Хулоса қилиб, Рейтерн компаниянинг тадбиркор америка савдогарлари ва денгизчилари билан бўлиши мумкин бўлган тўқнашувлар ҳақида эслатиб ўтди. «Бундай тўқнашувлар, жуда ёқимсиз бўлиб, бизни Тинч океаннинг шимолий сувларида компания имтиезларини сақлаб қолиш учун керак бўлган катта ҳарбий ва денгиз кучларини тутиб, уларга катта харажатлар сарф этиш кераклиги ҳолатига қўярди. Бу компания на Россия, на акциядорларга кўринарли фойда келтирмайди, шунинг учун бу ҳарбий кучлар учун харажатлар қилиш бизнинг АҚШ билан дўстона муосабатларимизга зиен етказарди», деган эди Рейтерн¹.

Ўтмишда бўлгани каби, Рус Америкаси тақдири тўғрисидаги масалани ҳал қилиш борасида Александр II дан кейин энг асосий ва айниқса катта обрў ва мавқега эга шахс буюк князь Константин эди. Умуман олганда эса, у стратегик фикрлаш ва узоқни кўра билиш қобилиятига эга эди. Масаланинг молиявий томони асосий ҳисобланган эди. Масаланинг ҳал қилиниши боғлиқ бўлган марказий фигура М.Х. Рейтерн эмасди. Асосий рольни иккита киши - подшоҳнинг укаси буюк князь Константин ва А.М.Горчаков ўйнаган эдилар. Чунки Америкадаги рус мулкларини сотишни амалга ошириш А.М.Горчаков муассасасига боғлиқ эди.

Буюк князь 1857 йилданок Аляскани сотиш тарафдори ва РАКни тарқатиш тарафдори сифатида танилди. Бошқа томондан эса, А.М.Горчаков сотишга қарши чиқмаган бўлса-да, узоқ вақт мобайнида кутиш позициясини эгаллаб олган эди ва барча керак бўлган ахборотларни йиғишга, АҚШ ҳукуматининг сотишга бўлган муносабатини билиб олишга интилган эди ва

¹ Войтоловский Г. По разные стороны Берингова пролива. // Мировая экономика и международные отношения. 1986. №6. С.40 (М.Х.Рейтерн – А.М.Горчакову. 2 (14) декабря 1866 г. (конфиденциально). // АВПР.ф.РАК. д.399. л.9-10. Д.412, л.1-2.)

охирги қарорни қабул қилишга шошилмаган эди. Шунинг учун ҳам ташқи ишлар вазири позициясини кўриб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. «Махсус йиғилиш»дан олдин ҳам А.М.Горчаков ўз қарашларини махсус запискада баён қилган эди. Бироқ бу йиғилиш М.Х.Рейтернда компания ишлари тўғрисида шаклланган салбий тасаввурини ўзгартира олмади. Катта еки кам тафсилотлар билан А.М.Горчаковнинг позицияси Аляска сотилишига бағишланган барча асосий тадқиқотларда кўриб чиқилган¹.

Бир мунча кейинроқ, 1867 йил 5 (17) январда «Жаноби Олийлари махсус йиғилишда эълон қилган... Олий иродасини бажариш мақсадида» молия вазири А.М.Горчаковга «бизнинг Шимолий Америкадаги мустамлааримизни Қўшма Штатларга бериш тақдириджа айрим мулоҳазалар»ни² жўнатди. М.Х.Рейтерн «рус аъёнларига ва умуман мустамлакалар аҳлига».. «шу ерда қолиш ёки ҳеч тўсиқсиз Россияга кўчиб кетиш ҳуқуқларини бериш»ни қайта кўриб чиқиш керак деб ҳисобларди. Иккала ҳолатда ҳам улар ўз мулкига, бу қандай мулк бўлишидан қатъий назар, бўлган ҳуқуқларини сақлайдилар». Келтирилган ҳужжатли материаллар шундан шубҳа қолдирмайдик, Шимолий Америкадаги рус мулкларини сотиш тўғрисидаги қарор «махсус йиғилишда» 1868 йил 16 (28) декабрда қабул қилинган эди. Бу йиғилишда Александр II, буюк князь Константин, ташқи ишлар вазири А.М.Горчаков, молия вазири М.Х.Рейтерн, денгиз вазирлиги бошқарувчиси Н.К.Краббе, Вашингтондаги элчи А.Стекль иштирок этган эдилар. Уларнинг ҳаммаси сотиш фодасига ҳеч иккиланмай гапириб, ҳеч қандай бошқа фикр (ҳар ҳолда ушбу қарорни тайёрлаш даврида) илгари сурилмаган эди.³

Кутилган 5 миллион доллар ўрнига 7,2 миллион доллар олинганлиги Россиянинг умумий харажатлари 400 миллион рублни ташкил этган ҳолда

¹ www.alaska.ru

² М.Х.Рейтерн – А.М.Горчакову. (копия Н.К.Краббе). 5 (17) января 1867. // АВРП.ф.РАК.д.412. л.25-26

³ Юқорида айтиб ўтилгандек, биргина фарқ Ташқи ишлар вазирлиги Осиё департаментининг еш ходими Ф.Р.Остен-Сакеннинг запискаси фақат назарий аҳамиятга эга эди, чунки йиғилишдан сўнг 1866 йил 16 (28) декабр кечки пайт ёзилган эди ва департамент раҳбариятидан юқорига ўтмади.

жуда ҳам фойдали бўлмади. Шу билан бирга, уч йил мобайнида хориждан 1866 йил кузида М.Х.Рейтерн езганидек, подшо учун 45 миллион рубл олиш кераклигини ҳисобга олганда, ушбу сумма бирмунча манфаатни кўзлаган бўлиши мумкин. Аляска тақдирини ҳал қилишда ташқи таҳдид, биринчи навбатда, Қўшма Штатлар экспансияси катта аҳамиятга эга эди. 1852 йил езидаёқ Шимолий Америкадаги рус мулкларида олтин захира конлари мавжудлиги тўғрисидаги дастлабки хабарлар пайдо бўлганида, чор ҳукумати кўпсонли хорижий олтин изловчилар оқими кириб келиши мумкинлигидан хавфсираган эди ва Вашингтондаги ўз элчисига ушбу масала бўйича керакли ахборотни йиғишга топшириқ берган эди ва «замонавий аргонавтлар»нинг бостириб киришини олдини олиш учун мумкин бўлган қадамларни ўйлаб чиқиш кераклиги таъкидлаган эди.¹

1866 йил охирида Санкт-Петербургда Рус Америкасининг тақдири ҳал қилинаётганда, Қўшма Штатлар пойтахтининг сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. 1867 йил январидида Санкт-Петербургни ташлаб, А.Стекль Франциядан 15 февраль куни «Сент-Лоран» кемасида Нью-Йоркка келди. Айнан Нью-Йоркда А.Стекль В.И.Вестмандан махфий депешани олди. Бу депеша 1867 йил 16)28) январга оид бўлиб, унда Н.К.Краббе ва М.Х.Рейтерн запискалари бор эди. «Бу қоғозлар, - деб таъкидлаган эди элчи, - мени менга топширилган америка мустамлакаларимиз тўғрисидаги музокараларда йўналтириш учун жуда фойдали бўлади».²

Шу йўл билан россиялик дипломат Америка ҳукуматини Аляскани сотиб олишга қизиқтиришга уринган эди ва бу масалада Сьюарднинг ўзи ташаббус билан чиқишига ҳаракат қилди. У.Сьюард билан бевосита мулоқотлар эса Стекльнинг Вашингтонга келишидан сўнг – 9 ва 14 март орлағидида бўлиб ўтди. Айнан ушбу қисқа вақт ичида Сьюард ва Стекль

1. ¹ Болхоетдинов Н.Н. Русско-американские отношения и продажа Аляски – М.,1990. С.99 (ҳавола: Л.Г.Сенявин – А.А.Бодиско. 27 июня (9 июля) 1852 г. // АВГР. Ф. Пос-ва в Вашингтоне. Оп.512/3, д.54, л.219-220.)

² Ўша китобда. С. 101 (Э.А.Стекль- В.И.Вестману. Нью-Йорк. 24 февраля (8 марта) 1867 г.)

асосий принципиал масалалар юзасидан келишиб олишди. Шартномани тузиш иши 5 кун ичида ҳал қилинди.¹

Давлат департаменти ҳужжатлари ичида сақланаётган америка ҳужжатлари ичида шартноманинг лойиҳа вариантлари ва Сьюард қораламалари сақланиб қолган. Уларда айтилишича: «Россия Қўшма Штатларга Шимолий Америка қитъасидаги ва туташ Алеут оролларидаги мулкларини сотади, чегара Беринг қўлтиғи марказидан ўтказилиб, Атту оролидан бошлаб шарқ томондлаги барча ороллارни ўз ичига киритади..»² Қизиқарлиси шуки, бу ҳудуд учун Сьюард 7 миллион доллар (олтин билан) таклиф қилди. Бу савдо-сотиқ баҳоси ҳали келишилмаган эди. Олдинроқ давлат котиби Стекльга 5 миллион 5 минг 500 доллар беришни таклиф қилган эди, бироқ масала очик қолганди.

1867 йил 18 март куни президент Э.Жонсон Сьюардга расмий вакилотларини тасдиқловчи ҳужжатларни имзолади ва 19 март куни давлат котиби Стекль билан музокаралар олиб борди. Натижада Америкадаги рус мулклари 7 миллион долларга сотиб олиниши тўғрисида шартнома лойиҳаси тузилди.

Музокаралар 30 мартгача давом этди. Натижада бу шартнома имзоланиб президент томонидан сенатга жўнатилади. Бу шартноманинг тарихий аҳамияти шундаки, у Россиянинг Осиё-Тинч океан чегараларининг шаклланиши бораётган келишувлар асосини ташкил қилди. Бу чегаралар бугунги кунгача ўзгармай келмоқда. Бу шартнома АҚШ ва Россия ўртасидаги ҳудудий масалалар бўйича зиддиятлар ва келишмовчиликлар олдини олди ва Тинч Океан шимолий минтақаси конфронтация зонаси бўлмасдан, балки ҳамкорлик зонаси бўлишига шарт-шароит яратиб берди.

¹ Болхоетдинов Н.Н. Русско-американские отношения и продажа Аляски – М.,1990. С.114

² www.alaska.ru/ The Alyaska Treaty

2.3 XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг ташқи сиесати мавзусини ўрганиш бўйича тавсиялар

Таълим жараёнида ўқувчилар билимлар системасини ўқув кўникмалари ва малакаларини эгаллаш орқали ўзларининг билимлари ҳажмини кўпайтирадилар, шунинг билан бирга илмий тушунчаларнинг туб маъноси улар онгига синга боради. Бу ишларнинг барчасини изчиллик билан кетма-кет, бир текис амалга ошириш учун ўқувчилар маълум даражада билимлар ва кўникмалар эгаллаган, қолаверса, тафаккур шакллари (тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш) ва мантиқий фикр юритиш қоидалари ҳамда услубларини ўзлаштириб олган бўлишлари лозим.

Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўқувчилар мустақил билишининг ривожлантириш тажрибаси пайдо бўлдики, бу ҳозирги замон дидактикаси мазмунини ва психологик қонуниятлар негизини ташкил қилган таълим назариясида янги концепциялар ва йўналишларни юзага келтирди.

Шундай қилиб, ўқитишнинг фаол ва инновацион методлари юзага келдики, улар қаторига таълим жараёнини фаоллаштириш, таълим жараёнини мазмунан умумлаштириш назарияси, ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириш назарияси, таълимни дастурлаштириш назарияси, ўқувчиларда маънавий эҳтиёжни шакллантириш, ўқувчиларда билишга қизиқишни таркиб топтириш, таълимни умумлашган усуллар негизига куриш, ҳамкорлик фаолияти ўзлаштириш самарадорлиги кафолати эканлиги, таълимни алгоритмлаштириш, муаммоли таълим назариясини киритиш даркор. Биз ушбу бандда муаммоли вазият яратишнинг назарий асослари устида фикр юритишни лозим топдик.

Муаммоли таълим ва муаммоли вазият ўқитиш тизимида фаол, ўқувчиларни ижодий фикрлашга йўналтирувчи метод сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Муаммоли таълим деганда муаммолилик принципларининг уйғунлашувини ҳисобга олган ҳолда тузилган ҳозирги

замон ўқитиш жараёнини тушуниш мақсадга мувофиқдир. Муаммоли таълим – бу мантикий фикр юритиш операциялари (анализ ва синтез, таққослаш, умумлаштириш, таснифлаш ва ҳоказо) ва ўқувчиларнинг изланишли (тадиқотчилик) фаолияти қонуниятларини (муаммоли вазият, билишга қизиқиш, маънавий эҳтиёж, англашилган мотив кабиларни) ҳисобга олиб тузилган таълим ва ўқитишнинг илгари маълум бўлган усулларини қўлланиш қоидаларининг янги тизимидан иборатдир. Шу боис у кўпроқ ўқувчи фикрлаш қобилиятининг ривожланишини, унинг умумий тараққиёти ва эътиқоди шаклланишини таъминлашга хизмат қилади¹.

Муаммоли таълим йўли билан фаоллаштиришнинг мақсади ўқувчиларни фавқулодда, бетартиб равишда вужудга келадиган фикрлаш операцияларига ўргатиш эмас, балки уларни тушунчаларнинг ўзлаштириш даражасини оширишлар ностереотип (ҳар хил) муаммо (масала)ларини ҳал қилиш (ечиш) учун ақлий хатти-ҳаракатлар тизимини эгаллашга йўналтиришдан иборатдир. Мазкур фаоллик шундан иборатки, бунда ўқувчи мавжуд (фактик) материалларни таҳлил қилиб, уларни тақ-қослаб, умумлаштириб, сўнгра ундан ўзига тегишли, янги ахборот, маълумот ва хабар олади. Бошқача қилиб айтганда, бу жараён илгари ўзлаштирилган ҳамда аввалги билимларни янгича қўллаш (қўчириш) ёрдамида билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш, яққоллаштириш, равшанлаштириш демакдир. Аввалги билимларни янги вазият, шароитга янгича қўллашни уддасидан чиқиш ўта мураккаб жараён ҳисобланиб, у ўқитувчи ёки тадиқотчининг бевосита раҳбарлигида амалга оширилади. Шунинг учун ушбу вазият ўқувчининг изланиши, ижодий фикрлаши орқали ўз ечимини топади. Ўқувчилар томонидан ижодий изланишга ўрганилиши, шу ўқув кўникмалари ва малакаларини йиғилишига, бундай тажриба эса ақлий фаолият сифатининг

¹ Шоназаров Қ. Тарих дарсларида муаммоли таълим ва муаммоли вазият.// Халқ таълими 1998 йил 5-сон – 41-44 б.

ўзгаришига, илмий, танқидий, мантиқий, мустақил ва ижодий фикр юритишга олиб келади.

Муаммоли вазият – бу ўқувчиларнинг ўқитувчи мазкур шароитда тушунтиришларини идрок этиш йўли билан билимларни эгаллашга ва фаолият усулларини ўзлаштиришга доир вужудга келган ҳолатни мустақил (ёки ўқитувчи ёрдамида) таҳлил қилиш, муаммони таърифлаш, таклифлар ва гипотезалар воситасида асослаш ҳамда исботлаш, текшириш йўли билан ҳал қилишга тааллуқли билиш, изланиш фаолиятидир.

Дарсларда муаммоли вазият яратиш ўқитувчидан катта маҳорат ва билим талаб қилади. Ҳатто, ўқув материални баён қилиш у ёқда турсин, дарс мавзуси ҳам ўқувчини ўйлантирадиган, мулоҳаза юритишга ундайдиган ҳолда ифодаланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Муаммоли вазият – бу ўқувчининг юз берган ҳодисани, фактни, воқелик жараёнини қандай тушунтиришни билмайдиган, унга маълум бўлган ҳаракатлар, усуллар билан мақсадга эриша олмайдиган даврда вужудга келган интеллектуал қийинчилик жараёнидир. Бу ўқувчини янги тушуниш йўллари, фаолият усулларини изланишга ундайди. Муаммоли вазият продуктив, ижодий билиш фаолиятининг қонуниятидир. У фикрлашнинг бошланиши жараёнини шарт қилиб қўяди, фаол фикр юритиш фаолияти муаммоларини қўйиш ва ҳал қилиш кезида намоён бўлади.

Муаммоли таълимни тўрт даражага ажратиш мумкин:

А) мустақил бўлмаган, одатдаги, фаоллик даражаси – ўқитувчи тушунтирганини ўқувчи томонидан идрок этилиши, муаммоли вазият шароитида ақлий меҳнат усулларини (намуналарини) ўзлаштириш, ўқувчилар томонидан мустақил ишларнинг бошланиши, эсга тушириш хусусиятига эга бўлган машқлар, оғзаки эсга тушириш;

Б) ярим мустақил фаоллик даражаси – илгариги билимларни янги вазиятларга қўллаш ва ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан қўйилган ўқув

муаммоларининг ечиш усулларини излашда иштирок этишлари билан тавсифланади;

В) мустақил фаоллик даражаси – репродуктив изланиш типигаги ишларни бажариш, бунда дарслик матни билан ўқувчининг ўзи ишлайди, илгариги билимларини янги вазиятда қўллайди, қайта қуради, ўзгартиради, ўртача мураккабликдаги муаммоларни, топшириқларни ҳал қилади, ўқитувчининг ёрдами билан фаразларни исботлайди;

Г) ижодий фаоллик даражаси – ижод тасаввурларини талаб этувчи, мантиқий таҳлил қилиш, ўйлаб топишни, ўқув муаммоларини ҳал қилишнинг янги усулларини кашф этишни, мустақил исботлашни, мустақил хулосалар чиқаришни, умумлаштиришни, кашвиёт ва ижодий фаолият маҳсулини талаб қилади¹.

Психологлар ва дидактикларнинг кўрсатишича, муаммоли таълим жараёни тўртта асосий таркибга ажратилади:

- 1) умумий муаммоли вазиятни англаш;
- 2) уни таҳлил қилиш, муаммони яққоллаштириш;
- 3) муаммони ҳал қилиш (гипотезаларни илгари суриш, асослаб бериш, уларни саралаш ва тадбиқ этиш);
- 4) муаммонинг тўғри ҳал қилинганлигини текшириш ва баҳолаш.

Муаммоли вазият олдидаги асосий вазифалари (функциялари) қуйидагилардан ташкил топган бўлиши мумкин:

А) билимларни ижодий ўзлаштириш малакаларини шакллантириш (мантиқий фикрлаш усуллари, ижодий, изланишли фаолият воситаларини қўллаш);

Б) билимларни янги шароит ва вазиятга, ҳолатга ижодий қўллаш (кўчириш) малакасини ва муаммони ҳал қилиш кўникмасини ҳосил қилиш;

В) ижодий фаолият тажрибасини умумлаштириш ва ёйиш.

¹ Халқ таълими 1998 йил 5-сон. 46-б.

Бугунги кунда таълим –тарбия жараёнида янги педагогик технологияларни жорий этиш заруратга айланди. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг асосий йўналишлари:

- таълим мазмунини, тизимини ислоҳ қилиш;
- таълим-тарбия бошқарувини ислоҳ қилиш;
- таълимнинг бозор иқтисодиётига асосланган механизмни яратиш;
- ота-она, ўқитувчи-ўқувчининг таълим жараёнига бўлган янгича қарашларини шакллантириш;
- бу туб ислохотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи – янги педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Янги таълим тизими, мазмуни, ўқув режаси, ўқув дастурлари, дарсликлар асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга ҳам янгича ёндашиш, уни янгича ташкил этиш зарурияти туғилмоқда.

Президентимиз И.Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, биз «мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлод қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнингш ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак». Шу сабабли ҳам биринчи навбатда, таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш, чуқурлаштириш, билим, кўникма ва малка, балки умуминсоний маданиятни ташкил этувчи-ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қўйилди.

Бу ғояни, фикримизча, ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари рўёбга чиқариши мумкин:

- фаолият турлари (моддий-амалий, ижтимоий, маънавий);
- ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар.);
- ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий);

-моддий ижтимоий ва тиббий борлиқ (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдириладиган бойликлар).

Ўқувчиларда ташаббускорлик ва мустақилликни, билимларни пухта ва чуқур ўзлаштиришни, зарур малака ва кўникмаларни, уларда кузатувчанликни, тафаккур ва боғланишли нутқни, хотира ва ижодий тасаввурни тарбиялашга имкон берувчи дидактик принцип – бу таълимдаги фаолликдир. Фаоллик мезонлари онглилик принципи билан бевосита алоқидор. Чунки фаоллик бир жойда онглилик бўлади¹.

Бундай тизимда ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам таълим-тарбия жараёнига биргаликда масъулдирлар. Улар биргаликда ҳар бир ўқувчининг билим ва қобилиятини, индивидуал эҳтиёжларини аниқлайдилар. Бундай ҳолатда ўқитувчи фақат «баҳоловчи» эмас, балки янги билимлар етказувчи манбага айланади.

Узлуксиз таълимнинг мустақил тури бўлиб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олдида қўйиладиган давлат таълим стандартларга мувофиқ, мазкур таълим муассасалри таълим- тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм- фанининг сўнги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли касб-ҳунарли ОНА –Ватанга садоқатли, миллий ва умуминсоний қадриятлар, руҳан тарбияланган ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат жамият ва оила олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнида замонавий таълим технологиялардан фойдаланишини тақозо этади.

Таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, аввало педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва

¹ Йўлдошев Ж./. Таълим янгиланиш йўлида.- Т.:Ўқитувчи, 2000.- 21-28 б.

демократлаштиришни талаб этади. Чунки педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлашни амалга оширмай туриб, ҳарқандай замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиши кутилган натижани бермайди.

Педагогнинг ўқувчи шахсига бўлган инсонпарварлашган муносабатини тарбияланувчиларни севиш, уларни ишончини қозониш, уларнинг тақдири учун қайғуриш, мулоқот маданиятининг юқорилигини, ўзаро ҳамкорликнинг вужудга келиши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни мажбурлашдан воз кечиш, аксинча ижобий рағбатлантириш усулларида фойдаланиб мақсадга эришиш, ўқувчиларда учрайдиган камчиликларга объектив муносабатда бўлиш, уларни бартараф қилишнинг энг самарали йўллари кўллашда намоён бўлади.

Ўқув жараёнининг демократлаш ўқитувчи ўқувчиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тенглаштириш, ўқувчиларга танлаш, фикрини эркин баён этиш ҳуқуқини бериш, уларни бу борада хатога йўл қўйиши мумкинлигини ҳисобга олиш¹.

Таълим-тарбия жараёнида вужудга келган янги педагогик муносабатлар мазкур жараёнда ЗПТларни қўллашнинг тақозо этади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида

1.Модулли таълим технологияси

2.Ҳамкорликда ўқитиш технологияси

3.Дидактик ўйин технологияси

4.Муомала таълим технологиясидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган.

-Модулли таълим технологиясининг ўзига хос жиҳати ўрганилаётган мавзубўйича ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлашига имкон берадилар.

¹ www.talim.uz

Модулли дастур тузлади. Ўқувчилар модул дастури ёрдамида мустақил ва ижодий ишлаб дарсдан кўзланган мақсадга эришадилар. Асосан модулли таълим технологияларидан: ўқувчиларда дарслик, илмий оммабоп ва кўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикрлашни ривожлантириш мақсадида фойдаланилади.

-Таълим-тарбия жараёнида ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир ўқувчини ўқишдан муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини билган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув мазмунини пухта ўзлаштиришга, топшириқларни сифатли бажаришга, бошқалар билан ҳамкор бўлиб ўзаро ёрдам уюштирилишига замин тайёрлайди. Бунда ҳар бир ўқувчини ақлий фаолиятга, мустақил ва ижодий фикр юритишига ўргатиш, шахс сифатида шахсий қадир -қимматини, онгий мустақилликни тарбиялаш ва ўз кучига ва қобилиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ўқиш жараёнида маъсулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг асосий ғояси; ўқувчиларни ҳамкорликда ўқишга ўргатиш, улар орасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва фирк алмашинувини вужудга келтиришдир.

Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларидаги дарсларда ҳамкорликда ўқитиш технологиясини гуруҳларида ўқитиш, зигзаг ёки арра, биргаликда ўқиймиз, микрогуруҳлар ижодий ишлашни ташкил этиш методларидан фойдаланиш йўллари белгилайди.

-Дидактик ўйин технологиялари таълим тарбия жараёнининг дидактик ўйинли дарс шаклида қўлланилади. Бундаф ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, нутқ мулоқот маданиятини ривожлантириш, онгли равишда касбга йўллаш, дарслик ва кўшимча адабиёт устида мустақил ишлаш, ҳар хил вазиятларни таҳлил қилиб тўғри хулоса ясашга замин тайёрлайди.

Ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларида таълим- тарбия жараёнини тўғри йўлга қўйиб, самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти мазкур жараёнда, замонавий педагогик технологияни мунтазам, изчил таҳлил қилиб бориш, лоиҳалаштирувчи воситаларнинг энг зарурини танлаш, методларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлай билиш (таълим методлари), олинган зарур бўлган натижани олдиндан таҳлил қилиш. (мақсадларни амалга оширишга эришиш), таълим жараёнини яхлитлигини таъминлаш каби таълимнинг асосланган ҳолда, илғор педагогик технологияларни таълимга жорий қилиш ишларини умумлаштириш ва ҳаётга қўллаш учун қуйидаги талабларга амал қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.¹

1.Таълим жараёни иштирокчилари (ўқувчи-ўқитувчи) ўртасида: ўқув меҳнати иш режасини ишлаб чиқиш бунда ўқитувчи бўлиш ва боб ўрниш режасини тузар экан, ушбу режада ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти ўқитувчи дарсларни ўтаверади ҳамда қайси дарсда қандай ўқув-билиш фаолияти амалга оширишидан ўқувчилар мутлақо ҳабарсиз бўладилар. Ўқувчи учун ҳар бир давр одатдаги дарсга айланиб қолади ва у дарснинг пасив иштирокчилигини бўлади. ЗПТ таълимларида бири бўлган ўқув меҳнатининг ўқитувчи-ўқувчи ўртасида изчил ва режалаштирилган тақсимоли ўқитувчилар таълим жараёнининг изчил бошқаришни талаб этади.

2.Фаннинг ички боғланиши имкониятидан мақсадли фойдаланиш

маълумки ҳар бир ўрганиладиган кичик мавзу олдин ўрганилганига таянади. Бунда ўқувчини янги бўлим, бобни ўргатишда, ундаги мавжуд билимларга таяниш, агар мавжуд билимларнинг янги мавзу учун етарли бўлмаса, оралиқ тайёргарлик олиб бориш ва шундан кейингина билимларни ўзлаштиришнинг кейинги босқичига ўтиш лозим.

3.Ўқув бирликларини белгилаш.

Ўқув бирликлари ўқувчи ўрганиши лозим бўлган тушунчалар, таърифлар, қоидалар, қонунлар, ҳодисалар, воқеалардан иборат бўлиб улар

¹ www.talim.uz

орасидаги мантикий боғланишни мавжудлиги шу боб ёки бўлимнинг ўзлаштирилишига олиб келади. Ўқув режасини тузишда ўқитувчи ўқувчилар билиши лозим бўлган ўқув бирликларини бўлимлар, боблар, чораклар бўйича аниқлайди ва ўқувчиларга топшириқ сифатида бўлимни ўрганишдан олдин вазифа қилиб берилади. Берилган топшириқлар ўқувчининг ўзлаштириш рейтингини аниқлашда назорат топшириғига ўтказилади.

4.Диагностик таҳлил. Билимдаги нотекисликларни аниқлаш, уларни тўлдириб ва келгуси ўзлаштириш босқичига кўтариш мақсадида диагностикалаш амалга оширилади.

Тест –сўров натижаларини дағонистик таҳлил қилиш икки муҳим вазифани ҳал қилади; 1. Қайси ўқувчи қайси ўқув бирликларида қийналди; 2. Ўқитувчилар қайси билимларини кенгайтирилиши лозимлигини аниқлайди.

5.Тузатиш кириш. Бўлим, боб ўзлаштириш даражаси диагностик таҳлил натижасида 50 кам курсаткич берса, ўқитувчи таълим жараёнининг боришида тузатиш кириши лозим. Тузатиш киритишда қуйидагилар бажарилади.

-Кайта ўрганиш лозим бўлган мавзуларни ўрганиш методикасини ишлаб чиқиш

-Ўқитувчилар ўзлаштирилиши кийин бўлган мавзуларни аниқлаш (таҳлил қилиш)

-Ўқув режасига тузатиш киртиш, соатларни белгилаш

-Зарур ҳолларда орқага қайтишни режалаштириш;

6.Кутилган натижани олиш – бу янги педагогик технологиянинг марказий ғояси ҳисобланади. Янги педагогик технология таълим жараёни натижаси кафолатли бўлишини талаб қилар экан, жараён боришининг кўзда тутилган мақсад амалга ошириши ва натижали бўлишини режалаштиришини ўқитувчи олдига вазифа қилиб қўяди.

Ўрта махсус ва касб таълим муассасаларидан таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишида ўқитувчиларга куйидаги дарс турлаи тавсия этилади;

1.Маъруза (кириш маърузаси, муаммоли маъруза, умумлаштирувчи маъруза);

2.Семинар дарс

3.Модулли дарс

4. Муаммоли дарс

5. Мунозарали дарс

6. Дидактик ўйин дарси

7. Синов дарслари

Ўқитувчи ўрганилаётган фаннинг боб ва мавзуларнинг дидактик мақсади, таълим мазмунидан келиб чиқан ҳолда юқори самара берадиган дарс турини белгилайди, шу билан бирга ўқув йили бошидан талкин – режада режалаштирилади.

Таълим-тарбия жараёнида ЗПТ лардан ўз ўрнида фойдаланиш ўқитувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини орттиради. Билим фаолиятини фаоллаштиради. Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигига юқори даражада бўлишига имкон яратади.

Очиқ дарс ишланмаси

“XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг ташқи сиёсати. Рус – турк уруши. 1877–1878 гг.”

Дарс мақсади: талабаларни Александр-II нинг ташқи сиёсати билан таништириш, уни Николай I нинг ташқи сиёсати билан солиштириб, фарқли ва ўхшаш томонларини аниқлаш, рус-турк уруши (1877-1878 йй.) сабаблари ва натижаларини кўриб чиқиш, Россиянинг халқаро масалаларни ҳал қилишдаги иштирокини тавсифлаш.

Вазифалар: ташқи сиёсатнинг ғарбий йўналиши, Шарқдаги сиёсат (Туркистон ва Ўрта Осиё), Узоқ Шарқдаги ташқи сиёсат, рус-турк урушининг бошланиши сабаблари ва натижалари каби масалаларни таҳлил қилиш ва очиб бериш.

Жиҳозлар: дарслиklar, ўқув қўлланмалар, Интернет маълумотлари (учебник истории России А.А. Данилова, Л.Г. Косулиной; Энциклопедия для детей Аванта плюс; диск «Энциклопедия истории России»); компьютер еки ноутбук, экран, видеопроектор, тақдимот.

Дарсда қўлланиладиган усуллар ва шакллар:

гуруҳда ва микрогуруҳларда ишлаш;

хужжатлар билан ишлаш;

ролли ўйин;

топширик;

тест;

тақдимот тузиш ва кўрсатиш.

ДАРСНИНГ БОРИШИ

1. Ташкилий қисм:

Саломлашув, уй вазифаси, қўшимча саволлар. Шарҳ: Берлин конгрессида Россиянинг вакили бўлган канцлер Горчаков Александр-II га ёзган хатида: «Берлин конгресси менинг хизмат соҳамдаги энг қора варақ

ҳисобланади», деб ёзганида, император “мнда ҳам ўшандай”, деб қўшиб ёзиб қўйган экан.

2. Уй вазифасининг бажарилишини текшириш:

карточкалар;

тестлар;

ролли ўйин: 3та талаба ижтимоий ҳаракатдаги учта йўналиш вакиллари сифатида ўйнайди – консерватив, либерал, инқилобий, 1та талаба эксперт бўлиб, жавобларнинг тўғрилигини, тўлиқлигини аниқлайди. Қолган талабалар журналистлар бўлиб, ана шу ижтимоий ҳаракатлар вакилларига савол берадилар. Масалан, сиз ўз олдингизга қандай мақсадларни қўймоқдасиз? Александр II нинг ислохотларига муносабатингиз қандай? Сизни халқ қўллаб-қувватламоқдами? Ва ҳоказо.

Ўқитувчи савол-жавоб натижаларини баҳолайди.

3. Янги материалнинг ўрганилиши:

Ўқитувчининг киришў сўзи. У Александр II нинг ташқи сиёсати билан талабаларни таништиради.

Талабалар дарс мавзусини дафтарга ёзиб оладилар. Сўнг уларга Қрим уруши натижаларини ҳамда Париж сулҳ шартномаси шартларини эслаш таклиф қилинади.

Талабалар микрогуруҳларга бўлинади:

1 микрогуруҳ Россия ташқи сиёсатининг Европадаги йўналишини тавсифлайди (Россия тарихи дарслигининг 190-192 бетларида маълумотлар бор). Микрогуруҳга маршрут варағи берилади.

2 микрогуруҳ Россия ташқи сиёсатининг Шарқий йўналишини тавсифлайди. Россия тарихи дарслигининг 192-197 бетларидаги материал билан ишлайди. Микрогуруҳга маршрут варағи берилади.

3 микрогуруҳ Россиянинг Узоқ Шарқдаги ташқи сиёсатини тавсифлайди. Россия тарихи дарслигининг 197-199 бетлардаги материал билан ишлайди. Микрогуруҳга маршрут варағи берилади..

Сўнг талабалар ўз ишларининг натижаларини тақдим этадилар, бунинг учун 1та талабани микрогуруҳ номидан чиқиш учун танлайдилар. 1та талаба А.М.Горчаков ҳақида маълумот келтиради.

Барча микрогуруҳлар чиқиш қилиб бўлгандан кейин, ўқитувчи яқун ясайди:

Александр II ҳукуматининг ташқи сиёсати фаоллашиб қолганди. Дипломатик ва ҳарбий йўл билан Россия ўз олдида қўйган ташқи дипломатик вазифаларни ҳал қилишга муяссар бўлади. У ўзининг буюк давлат эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўқитувчи ҳудудлари Туркия таркибига кирган Болқон давлатларидаги вазиятнинг кескинлашуви ҳақида, славян халқларининг турк султонининг ҳокимиятига қарши кураши ҳақида сўзлаб беради.

Талабалар эшитилган ҳикоя асосида ҳамда Интернетдан олинган мультимедия воситаси – Россия тарихи дарслигининг электрон версиясидаги 202 бетдаги матндан фойдаланиб, рус-турк урушининг сабабларини дафтарларига ёзиб олишади.

Иш яқунланганидан кейин, ўқитувчи текшириш ўтказади ва талабалар жавобларини тўлдиради. Кейин эса ўқитувчи талабаларга савол беради: Сизнингча, Россия Туркия билан урушга тайёр эдими?

Талабаларнинг жавобларини умумлаштириб, ўқитувчи молия вазири М.Х.Рейтернинг Александр II га йўллаган хатининг матнини келтиради (бу хатда Рейтерн подшони (чорни) Болқондаги воқеаларга аралашмасликка чақирган эди. Сабаби, уруш Ҳазрати Олийлари шуҳратини таркиб топтирувчи фуқаролик ва иқтисодий ислохотларнинг тўғри ривожланишини тўхтатиб қўйиши мумкин, ҳамда Россияга вайронагарчилик келтириб, уни молиявий ва иқтисодий инқирозга олиб келиши мумкин. Бу эса бизнинг асримизга хос бўлиб қолган инқилобий ва социалистик тарғибот ва ташвиқот учун тайёр замин бўлиб қолади, деб ёзган эди Рейтерн).

Дарсликнинг 207 бетидаги харитадан фойдаланиб, ўқитувчи талабаларни Болқон ва Кавказдаги воқеалар ривожини билан таништиради. Ўқитувчи ҳикояси давомида талабалар ҳарбий ҳаракатлар сономасини тузадилар. Улар куйидаги жадвални тўлдирадилар:

Сана	Воқеа	Натижалар	Изоҳ

Сўнг ўқитувчи ҳикоясини давом эттириб, урушнинг бориши ҳақида, рус армиясининг София, Адрианополи ва Истамбулга ҳужумлари ҳақида сўзлаб беради.

Талабалар М.Д.Скобелев ҳақида маълумотни эшитиб оладилар, ўзлари уй вазифаси (мустақил иш) тариқасида тайёрлаб келган тақдимотларини намойиш қиладилар.

Бундан кейин талабалар Сан-Стефанода имзоланган тинчлик шартномасининг шартлари ҳамда Берлин конгрессининг қарорлари билан танишадилар, уларни таққослайдилар ва рус-турк урушининг натижалари ва оқибатлари ҳақида хулоса чиқарадилар (тарихий ҳужжатлар билан ишлайдилар).

4. Мустаҳкамлаш:

Тест саволларига жавоб бериш.

5. Хулоса (якунлаш):

Ўқитувчи якун ясади, баҳоларни қўиб чиқади, талабаларга ишлаганлари учун ташаккур изҳор этади.

ХУЛОСА

XIX аср иккинчи ярмида Қрим урушида оғир мағлубиятга учраган Россия ўзининг халқаро аҳволини ёмонлаштирди. Чор Александр II томонидан ўтказилаётган ислохотларнинг муваффақияти авваоамбор ташқи сиёсатга боғлиқ эди. Ташқи ишлар вазири этиб иқтидорли дипломат, князь А.М. Горчаков тайинланди, у ҳарбий иттифоқлар ва можароларга кириб кетишдан бош тортиб, эҳтиёткорона сиёсатни амалга ошира бошлади.

Бу даврда Россия ташқи сиёсатининг асосий вазифалари халқаро изоляциядан чиқиш, буюк давлат мақомини тиклаш, 1856 йилги Париж шартномасидаги камситувчи моддаларни бекор қилиш, Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқдаги давлатлар билан чегараларни мустаҳкамлашдан иборат эди.

Бу вазифаларнинг кўпчилиги Горчаковнинг дипломатик иқтидори туфайли, унинг Европа давлатлари ўртасидаги зиддиятлардан усталик билан фойдалана олиш қобилияти туфайли, Россияга қарши қаратилган қадамларни олдиндан билиб олиш истеъдоди туфайли ҳал қилинган эди.

Рус дипломатияси Европадан иттифоқчиларни излаётган эди, Франция, Англия ва Австриядан иборат Россияга қарши тузилган блокни тарқатишга уринаётган эди. Италия масаласида Франция ва Австрия ўртасидаги муносабатлар кескинлашуvidан фойдаланиб, Россия 1859 йилда Франция билан махфий равишда ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Польшадаги кўзғолондан кейин, 1863 йилда Россия Пруссия ва Австрия билан яқинлаша бошлади.

1871 йилда Франция Пруссия билан урушда мағлубиятга учради. Бундан фойдаланиб, Горчаков Париж шартномасини имзолаган барча мамлакатларга фармойиш юбориб, унда Россия бу шартномадаги айрим моддаларни бажаришдан воз кечишини эълон қилди. Россия Қора денгизда қалъалар қуриш ва у ерда флотини тутиш ҳуқуқига эга бўлди.

1873 йилда “Уч император Иттифоқи” ташкил топди, унга Россия, Австрия ва Пруссия кирди, бироқ, бу мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар сақланиб қолаверди. Бирлашган Германия ҳарбий қудратининг кучайиб бориши уларни ташвишга солаётган эди, шунинг учун “Уч император Иттифоқи” мустаҳкам эмасди, шунга қарамай у Россия учун катта аҳамият касб этарди. Бу даврда Россия халқаро изоляциядан чиқиб, ўзининг Европа сиёсатига ўтказадиган таъсирини тиклади.

XIX аср иккинчи ярмидаги Россиянинг ташқи сиёсати мамлакат ички тараққиётидаги муаммоларни акс этарди. Россия асосан ички ўзгартиришлар ва ислохотлар билан шуғулланарди, кескин халқаро можаролардан ўзини олиб қочарди, Европадаги фаол ҳаракатлардан воз кечарди, низоли масалалари эса тинч йўл билан, дипломатик воситалар билан ҳал қилишга интиларди. Ташқи ишлар вазири А.М.Горчаков 1865 йил 3 сентябр куни подшо Александр II га шундай деб ёзган эди: “Давлатимизнинг ва Европанинг ҳозирги аҳволидан келиб чиқиб, Россиянинг асосий эътибори ички тараққиёт ишини амалга оширишга жиддий равишда қаратилган бўлиши керак ҳамда бутун ташқи сиёсатимиз ана шу асосий вазифага бўйсундирилган бўлиши керак”¹.

Қрим урушидаги мағлубият Россияни жуда заифлаштирди, австро-пруссия иттифоқига таянган Вена тизими парчаланиб кетди. Россия халқаро ишлардаги бошқарувчилик ролини йўқотди, унинг ўрнини Франция эгаллади.

Россия ташқи иқтисодий фаоллигининг бирмунча пасайиши ички муаммоларни ҳал қилиш учун қулай шароитларни яратиб берди. Ҳукумат 7 йилгача рекрутларни тўплашдан воз кеча олди, армияни қисқартира олди, ҳабий ҳаражатларни камайтира олди. Шарқий масала ташқи сиёсатнинг етакчи йўналиши бўлиб қолаверди. Қрим уруши Болқондаги зиддиятларни

¹ Тюкавкина В.Г. История России 1861-1917 г. М., 2009. С.9-10.

кескинлаштирди. Болқон халқлари ўз мустақилликлари учун кураш олиб боришди.

XIX аср 70-чи йиллардан биноан Европадаги ривожланган мамлакатларда монополизмдан империализм сари ўтиш даври бошланди. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрацияси кўпая борди, монополиялар вужудга келди, давлатларнинг мустамлакалар учун кураши юксалди. 1870-чи йиллар охири - 1880-чи йиллар бошларидан бошлаб ҳарбий ва сиёсий иттифоқлар тузила бошланди.

Агар “Уч императорлар иттифоқи” ва “Икки императорлар иттифоқи” шартномалари матнларини ўргансак, шуни кўришимиз мумкинки, бу даврда Германиянинг ўзига хос жанговарлиги, агрессивлиги кучайди ва оқибат натижада Россияга қарши қаратилган австро-герман иттифоқининг тузилишига олиб келди. Бу эса Европада империалистик блокларнинг вужудга келишини бошлаб юборди. Россия-Франция иттифоқининг тузилиши Европада иккита бир-бирига душман бўлган коалициянинг пайдо бўлганлигидан далолат беради: бир томондан Германия, Австро-Венгрия ва Италия, иккинчи томондан эса Россия ва Франция иттифоқ тузишганди. Бу иккита коалициянинг ташкил топиши монополистик капитализм шаклланаётган, “дунёни бўлиб ташлаш” ниҳоясига етган, эгалланмаган ҳудудлар эгаллаб олинган даврда содир бўлди. Давлатларнинг ушбу иккита ҳарбий гуруҳи ҳамда улар ўртасидаги чуқур зиддиятлар Биринчи жаҳон уруши бошланишини тезлаштирди.

Маълумки, тарих ҳар доим жамиятнинг катта қизиқишини уйғотади. Бу қизиқиш ҳар бир киши ўз Ватани тарихини билиш каби табиий эҳтиёжидан келиб чиқади. Инсониятнинг кўпасрлик тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инсоний жамият ўтмишини унинг бутун маконий аниқлиги ва хилма-хиллигида тадқиқ этаётган тарих ҳозирги кун воқеа ва ҳодисаларини тушунишга, келажакдаги тараққиёт тенденцияларини тушунишга ёрдам беради.

XIX-XX асрлар чегарасида халқаро вазият ўзгариб қолди. Буюк давлатларнинг дунёни бўлиб олиш учун кураши, турли ҳудудларни тўғридан-тўғри аннексия қилиш ва уларни мустамлакаларга айлантириш учун курашлари авж олди. 1870 йилда ташкил топган Германия империяси капиталистик давлатлар ўртасида дунёнинг бўлиб олинишини қўлидан бой берган бўлиб, эндиликда уларга етиб олишга интиларди. Шу сабабли унинг Буюк Британия ва Франция билан зиддиятлари ўткирлашди. Бундан ташқари, жаҳон саҳнасида АҚШ ва Япония фаол ҳаракат олиб бориб, ўзларининг иқтисодий ва сиёсий таъсир доираларини кенгайтиришга уринардилар.

XIX аср охирига келиб Россия империяси қудратли Евроосиёлик давлатга айланди. Унинг халқаро обрўси юксалди. Унинг ташқи сиёсати географик жойлашуви, геосиёсий, стратегик ва иқтисодий манфаатлар билан белгиланган эди. Бироқ, иттифоқчиларни танлашда ҳамда ташқи сиёсат йўналишларини белгилашда зиддиятли томонлар ҳам бор эди. Николай II ва унинг мансабдорлари ташқи сиёсат вазифаларини амалга оширишда мантиқсизликларга йўл қўярдилар.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш жоизки, мазкур битирув-малакавий ишимиз тадқиқот ишлари, дарслик ва қўлланмалардаги ҳамда Интернетдаги маълумотларнинг таҳлили бўлиб, унда турли муаллифларнинг нуқтаи назарларини ёритиб беришга ҳаракат қилдик ҳамда Россиянинг XIX аср иккинчи ярмидаги ва XX аср бошларидаги ташқи сиёсатини баҳолашга уриндик.

XIX аср охири – XX аср бошларида дунёда халқаро муносабатларнинг янги тизими шаклланди. Буюк давлатлар учинчи мамлакатларни сиёсий таъсир доираларига бўлиб олишди, мустамлакалар ва ярим мустамлакалар тузилди. Етакчи мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда можаролик юксалиб борди. Таъсир доираларини қайта бўлиб олиш учун локал урушлар олиб борилди. Россия ҳам бу курашда иштирок этди, аммо қулай

геостратегик жойлашувига қарамасдан, етарлича ривожланган саноатга ва молияга эга эмасди, бу соҳада у ҳам иттифокдошларидан, ҳам рақибларидан анча орқада қолиб кетганди¹.

XIX асрнинг 80-90 йилларида Россиянинг Европа мамлакатлари билан ўзаро муносабатларида моҳиятан ўзгаришлар содир бўлди.

XIX асрнинг сўнгги чорагида Европадаги танглик буюк давлатлар – Россия, Англия, Франция, Германия ва Австро-Венгрия ўртасидаги зиддиятларнинг чуқурлашуви сабабли доимий равишда ўсиб борди. Уларнинг қарама-қаршилиги дунёдаги аҳволни белгилаб берганди ва бошқа мамлакатларнинг ҳам манфаатларига таъсир кўрсатарди. Можаролар кўплар минтақаларни қамраб олди: Яқин ва Ўрта Шарқ, Болқон ярим ороли, Шимолий Африка, Узоқ Шарқ, Жануби-Шарқий Осиё минтақаларида низолар кескинлашди. Шунинг учун Россия учун ҳам, бошқа давлатлар учун ҳам, ушбу можароларда ўз вазифаларини ҳал қилиш учун иттифокдошларни излаб топиш муҳим муаммона айланди. XIX аср охири – XX аср бошлари иккита бир-бирига душман бўлган блокларнинг тузилиши билан якунланди.

Учламчи иттифок блокларидан биринчиси 70-чи йиллар охирида шакллана бошлади. 1879 йилда Германия ва Австро-Венгрия махфий равишда иттифок туздилар, бу иттифок Россия ва Францияга қарши қаратилган эди. Бу иттифокқа Италия қўшилганидан кейин, 1882 йилда Марказий Европадаги давлатларнинг Учламчи иттифоқи пайдо бўлди. Бу иттифок Болқон, Яқин ва Ўрта Шарқда агрессив сиёсатни олиб борди. Австро-Венгрия Сербияни босиб олишга тайёргарлик кўра бошлади. Германия ўзининг Туркия ва Ироқдаги таъсирини ўстира бошлади, Африка ва Узоқ Шарқдаги ўз мустамлакачилик сиёсатини фаоллаштирди. Германия канцлери Отто фон Бисмаркнинг немисларга “ҳам куёш тагида ўрин керак” деган жумласи герман дипломатиясининг шиори бўлиб қолди².

¹ Федоров В.А. История России, 1861-1917: Учеб. для студентов вузов, обучающихся по ист. спец. и ист. направлению. - М.: Высш. шк., 2000. - С. 373-384. Гл.5

² Ўша жойда.

Учта император шартномасини икки марта (1881 ва 1884 йй.) узайтирилишига ва 1887 йилда “сақлаб қолиш шартномаси”нинг имзоланишига қарамасдан, рус-герман муносабатларидаги ишончсизлик ўсиб борди. Иккала томон ҳам бир-бирига протекционистик бож тарифларини ҳамда фойдасиз савдо шартларини мажбуран қабул қилдирарди. Германия Россия ва Францияга қарши урушга тайёргарлик кўра бошлади. Германия Бош штаби XIX асрнинг 80-йилларидаёқ батафсил ҳарбий-стратегик режаларни ишлаб чиқишга киришган эди.

Россия ўзининг ташқи сиёсат курсида Марказий Европадаги давлатларига анъанавий равишда йўналишини қайта кўриб чиқишга ҳамда янги иттифоқчиларни излаб топишга мажбур бўлди. Россия Франция билан яқинлаша борди. Бунга уни Германиянинг Яқин Шарқдаги аксилрус сиёсати, герман милитаризмининг ўсиши ва 1891 йилда Учламчи Иттифоқнинг янгиланиши ундарди. 1891 йил июл ойида француз эскадраси Кронштадтга келди. Ҳарбий кемалар ташрифи билан бир пайтда дипломатлар ва ҳарбийларнинг иттифоқни тузиш ҳақидаги рус-француз музокаралари бошланди. 1891-1892 йилларда агар томонларнинг бирига Германия ёки Австро-Венгриянинг хужуми таҳдид солса, биргаликда ҳаракат қилиш ҳақидаги дастлабки ҳужжатлар имзоланди (сиёсий келишув ва ҳарбий конвенция). 1893 йилда конвенциянинг ратификацияси рус-француз иттифоқининг расмийлаштирилиши ниҳоясига етганини кўрсатди. Бу иттифоқ Германияга қарши қаратилган эди¹.

Иккита қарама- қарши иттифоқларнинг (Учламчи ҳамда рус -француз) ташкил топиши билан халқаро муносабатлар тарихида янгича босқич бошланди. Бу босқич Европадаги зиддиятларнинг чуқурлашуви ҳамда буюк давлатларнинг дунёни таъсир доираларига бўлиб олиш учун кураши билан боғлиқ эди.

¹ Федоров В.А. История России, 1861-1917: Учеб. для студентов вузов, обучающихся по ист. спец. и ист. направлению. - М.: Высш. шк., 2000. С. 373-384. Гл.5

XIX аср охири- XX аср бошларида Россия учун анъанавий йўналишлар сақланиб қолди. Яқин Шарқ, Қора денгиздаги бўғозлар, Болқон ярим ороли асосий бўлиб қолаверди. Ҳам мустақиликка эришган, ҳам Усмонийлар империясининг ҳукмронлиги остида қолган Болқон халқлари Россияни ўзларининг ҳомийси ва иттифоқдоши деб билардилар. Бироқ улар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш Европадаги кўпчилик мамлакатларнинг қаршилигига дуч келди.

Европа йўналишида Марказий европадаги давлатлар (Германия ва Австро-Венгрия) билан анъанавий иттифоқчилик муносабатлари кун сайин совуқлаша борди. Бунга ҳатто рус ва герман императорларининг бир неча марта бўлиб ўтган учрашувлари ҳам ҳалакит бера олмасди. Рус-француз-герман иттифоқини тузиш йўлидаги барча уринишлар барбод бўлди. Чуқур франк-герман антагонизми ҳамда рус-герман зиддиятларининг кучайиб кетиши шароитларида, Россия Франция билан 1891-1893 йилларга тузилган иттифоқини мустаҳкамлади ва Англия билан яқинлашувга боришга мажбур бўлди. Буни Европадаги кучларнинг янги тақсимланиши ҳам талаб қилган эди.

1904 йилда Франция ва Буюк Британия, Африкадаги низоли масалаларни таритбга солиб, халқаро сиёсий ва ҳарбий ҳамкорликлари учун асосни яратиб берган келишувни имзолашди. Ўсиб бораётган герман милитаризми олдида Россия инглиз – француз иттифоқига кўшилди. Бироқ, XX аср бошларидаги айрим можароли вазиятларда Франция ва Англия Россияни қўллаб-қувватлашга шошилмасдилар. Шунинг учун Россия Германия ҳукумати билан келишувга интиларди.

Хуллас, XIX-XX асрлар чегарасида Россия ўз ташқи сиёсатининг Узоқ Шарқдаги йўналишини фаоллаштирди. XIX аср охирида Узоқ Шарқ дунёдаги барча буюк давлатлар манфаатларини ўзига тортган нукта бўлиб қолди. Ўша пайтда заиф ва қолоқ бўлган Хитой кўпчилик мамлакатларнинг империалистик агрессиясига учраган эди. Ўз таъсир доираларини, яъни

колонияларини Англия, Германия, Франция эгаллаб олишди. АҚШ эса “очик эшиклар ва тенг имкониятлар” доктринасини эълон қилди. Бу доктрина амалда Хитойни иқтисодий жиҳатдан бўйсундирилишига олиб келди. Япония Хитойдан Кореяни, Тайванни, Пескадор ороллариини тортиб олди. Япония Тинс океан минтақасидаги етакчи роль эгаллашга интиларди, “Буюк Осиё”ни тузиш шиори остида Хитойнинг шимоли-шарқий провинцияси бўлмиш Манжурияга бостириб киришга тайёргарлик кўрмоқда эди. Япониянинг Россия чегаралари ёнида ўрнатилиши Россия империяси шарқий худудларининг хавфсизлигига таҳдид кўрсатарди.¹

Мазкур мавзунинг долзарблиги бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бугунги кунда ҳам биз таъсир доираси, савдо-иқтисодий алоқалар, эски худудлар муаммолари тўғрисида сўз юритмоқдамиз. Маълумки, 1993 йилда Узоқ Шарқ республикасини «хатарли штат» деб эълон қилинганлиги тасодифий эмас. Яқин вақтда Россиянинг Хитой билан чегараси демаркацияси якунланди. Хитой эса ҳануз Россиянинг сиёсатдаги тўлиқ шериги бўлмасада, айрим масалаларда АҚШни эмас, Россияни қўллаб-қувватламоқда. Бундан ташқари, агар Корея халқ-демократик республикаси, яъни Шимолий Кореядаги тизим қуласса, Хитой АҚШ таъсири остига тушиб қолиши мумкин. Шунингдек, охириги сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Хитой АҚШдан устун чиқиб, дунёдаги етакчи давлатга ҳам айланиб қолиши мумкин. Хитойда ҳозирги кунда ҳам ҳамма нарса барқарор эмас. Хитойликлар русларни Приамурьедан сиқиб чиқариши мумкин. Чунки оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, Германия канцлери Ангела Меркель Хитой Россияга санкция бермагани сабабли, Хитой раҳбариятига Хитойнинг XIX асрдаги харитасини юборган эмиш. Шундай қилиб, Россиянинг Узоқ Шарқдаги сиёсати борасида муаммоли масалалар жуда кўпдир.

¹ www.allbest.ru

Яна шуни айтиш мумкинки, бир ўрганган даврда Алясканинг АҚШга сотилиши ҳануз муҳокама қилиб келинмоқда. Россия ҳукумати сўнгги йилларда уни қайтариш масаласини кўтариб чиққан эди, бироқ ижобий ҳал этилмади. Бундан ташқари Тинч океандаги оролларнинг масаласи бўйича ҳам Россия-Япония музокаралари муваффақиятсиз тугади. Шунингдек, ҳозирги пайтда Украинадаги вазият, Россия томонидан Қримнинг ўз таркибига киритилиши, бу борада АҚШ ва Европа Иттифоқининг муносабатлари Россиянинг янги халқаро изоляциясига олиб келмоқда. Хуллас, “ДУНЁ” деган “буюк шахмат тахтаси”да сиёсий ўйин қизиб кетмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ - Т.:Шарқ, 1998
2. Акашев Ю.Д. Заселение Приамурья и политика царизма в 60-е годы XIX в. // История, археология и этнография народов Дальнего Востока.- Владивосток, 1973
3. Александров В.Л. Россия на дальневосточных рубежах – Хабаровск, 1984
4. Астафьев И.И. Русско-германские дипломатические отношения 1905-1911.- М., 1972
5. Барнетт Р. Русская Америка. // Америка. 1991. Декабрь
6. Бестужев И.В. Борьба России по вопросам внешней политики.1906-1910.- М., 1961
7. Бобин О. Осколок Российской империи // Родина. 1995. №2
8. Белов М.И. К столетию продажи Аляски // Изв.ВГО. 1967. К.4.
9. Болхоетдинов Н.Н. Русско-американские отношения и продажа Аляски – М.,1990
10. Батуева Т.М. Экспансия США на севере Тихого океана в середине XIX века и покупка Аляски в 1867 г- Томск, 1976
11. Виноградов К.Б. Боснийский кризис 1908-1909 гг – М., 1964
12. Витте С.Ю. Пролог русско-японской войны. Материалы из архива графа Витте.- Пг., 1916
13. Витте С.Ю. Воспоминания.- М., 1960. Т.1-3.
14. Войнголовский Г. По разные стороны Берингова пролива // Мировая экономика и международные отношения .1986. №6
15. Гримм Э. Сборник договоров и других документов по истории международных отношений на дальнем Востоке. 1824-1925. – М.:МГИМО, 1997
16. Жўраев Н. Тарих фалсафаси – Т.,1999

17. Игнатъев А.В. Внешняя политика России в 1905-1907 гг.- М., 1986
18. Из истории русско-японской войны 1904-1905 гг. Сборник материалов к 100-летию со дня окончания войны. СПб.: Издательский дом Санкт-Петербургского государственного университета, 2005.
19. История русско-японской войны. 1904-1905 гг. – М., 1977
20. История Отечества. 1861-1917.- М., 1992.
21. История экономического развития Китая (1840-1948)/ Сборник статистических материалов. М.,1958
22. История России.(А.А. Данилов, Л.Г. Косулина) - М.:Наука, 1994
23. История России: IX-XXI вв. От Рюрика до Путина: Учебное пособие/ Отв, ред. Я.А. Перехов. - Москва: ИКЦ «МарТ», Ростов-на-Дону: ИЦ «МарТ», 2003.
24. История Отечества – М.,2000
25. Йўлдошев Ж. Таълим янгилиниш йўлида. – Т.:Уқитувчи, 2000
26. Киняпина Н.С. Внешняя политика России во второй половине XIX века- М.,1974
27. Куропаткин А. Н.Русско-японская война. 1904-1905. Итоги войны. М.: Полигон, 2003.
28. Лафасов М. Жаҳон тарихи – Т.,2002
29. Малкин М.М. Гражданская война в США и царская Россия – М.-Л., 1939
30. Международные отношения в начале XIX-XX веках- М.,1982 Оборона Порт-Артура – М.:МГУ, 1990
31. Новая история. – М., 1996
32. Писарев Ю.А. Великие державы и Балканы накануне первой мировой войны. – М., 1985
33. Романов Б.А. Очерки дипломатической истории русско-японской войны – М., 1955
34. Романова Г.Н. Экономические отношения России и Китая на Дальнем Востоке – М.,1987

35. Смит Б. Русская Америка // Америка. 1991. Декабрь
36. Тарановский Т. «Европейцы» и «восточники» // Родина. 1995. №8
37. Тюкавкина В.Г. История России 1861-1917 г. М., 2009.
38. Федоров В.А. История России, 1861-1917: Учеб. для студентов вузов, обучающихся по ист. спец. и ист. направлению. - М.: Высш. шк., 2000.
39. Шоназаров Қ. Тарих дарсларида таълим ва муаммоли вазият // Халк таълими. 1998. №5
40. Энциклопедия для детей Аванта плюс. М.. 2007
41. «Энциклопедия истории России» электронное мультимедийное средство.
42. Янги тарих –Т.:Ўқитувчи, 1991
43. www.allbest.ru
44. www.alyaska.ru
45. www.mid.ru
46. www.bankreferatov.ru
47. www.city.ref.ru
48. www.vostok.ru
49. www.studentka.ru
50. www.talim.uz

М У Н Д А Р И Ж А

Р е ж а	2
К и р и ш	3
Адабиётлар таҳлили.....	8
1-БОБ. XIX аср охири-XX аср бошларида Россиядаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва ташқи сиёсат. Рус-япон уруши.....	10
1.1. XIX аср охири-XX аср бошларида Россиядаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги зиддиятлар.....	10
1.2. XIX аср охири-XX аср бошларида Россиянинг Болқон, Осиё ва Узоқ Шарқдаги сиёсати. Рус-япон уруши.....	15
1.3. XX аср бошларида Россиянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва ташқи сиёсатининг асосий хусусиятлари.....	29
2-БОБ. XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг Узоқ Шарқдаги ташқи сиёсати.....	33
2.1. XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг АҚШ ва Хитой билан муносабатларининг зиддиятлашуви.....	33
2.2. XIX аср иккинчи ярмида Россия ва Америка муносабатларининг ривожланиши.....	37
2.3. XIX аср иккинчи ярмида Россиянинг ташқи сиёсати мавзусини ўрганиш бўйича тавсиялар.....	47
Очиқ дарс ишланмаси.....	58
Х у л о с а	62
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71